БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 36 (267)

20 ФЕВРАЛЬ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-нчи бет).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитетининг яқинда иш бошлаши муносабати блан Совет ҳукуматининг баёноти (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясида (1-нчи бет).

АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ. **Р. Соҳибоев.** — Партия ва халқ (2-нчи бет).

СССР Ташқи Ишлар Министрлигида (2-нчи бет).

КОММУНИСТЛАР БЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР ХАЛҚ БЛОКИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ (2-нчи бет).

Ерни чигит экишга юқори сифатли тайёрлаш учун барча тадбирларни тўла амалга оширайлик! (3-нчи бет).

ҲИКОЯ. **Иброҳим Жалис.** — Озод қул (3-нчи бет).

КИЧИК ФЕЛЬЕТОН. **У. Жонгитов.** — Маҳалланинг «эркатойи» (4-нчи бет).

Франция Миллат мажлисида (4-нчи бет).

Ю. Бочкарев. — Мустамлакачилик режимига қарши халқлар кураши (4-нчи бет).

Шаҳар партия конференцияси

Эртага Тошкент шаҳар партия конференцияси очилади. Шаҳар партия конференцияси шаҳар партия ташкилотлари ҳаётида жуда катта воқеа бўлиб, унда партия ташкилотларининг иш фаолияти ҳартомонлама чуқур муҳокама қилинади.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти ўзининг X конференциясига ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланган, сиёсий жиҳатдан чиниққан. КПСС Марказий Комитети атрофига янада жипслашган ҳолда келди. Шаҳар партия ташкилотлари сон жиҳатидан ўсди ва янада мустаҳкамланди.

Партия ва совет ҳукумати саноатимиз, қишлоқ хўжалигимиз ва маданиятимизни ривожлантиришнинг конкрет йўлларини кўрсатиб бермоқда. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари социалистик оғир индустрия негизида халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кенг программасини кўрсатиб берди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан Коммунистик партия томонидан ишлабчиқилган ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хомашёга бўлган ва доимий ўсиб бораётган талабларини қондириш қаратилган тадбирларни амалга ошириш—муҳим вазифадир.

Шаҳар партия ташкилотлари социалистик саноатга раҳбарлик қилишда партиямиз кўрсатмаларига амал қилганликлари учун ҳам яхши муваффақиятларга эришдилар. Шаҳар саноат корхоналари 1954 йилда саноат маҳсулотлари ишлабчиқариш планини 105 процент бажардилар. Саноат маҳсулотлари 1953 йилга нисбатан 1954 йилда 14,8 процент ортиқ ишлаб чиқарилди. Саноат корхоналари 1954 йилда пландан ташқари бирнеча юз миллион сўмлик ортиқча маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Партия ташкилотлари давлат планларининг ортиғи блан бажарилишини та'минлашда ташкилотчилик қилдилар, янги прогрессив усулларни ишлабчиқаришга жорий қилишда етакчилик ролини ўйнадилар.

Аммо ба'зибир партия ташкилотлари саноатга етарли даражада малакали раҳбарлик қилолмаётирлар. Корхоналарда ишлабчиқариш маданиятини оширишда етарли иш олиб бормаётирлар. Ба'зибир корхоналарда штурмчиликка йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида ишлабчиқаришда нобудгарчилик, брак ва сифатсиз маҳсулот ишлабчиқариш, шунингдек иш ҳақи фондини ортиқча сарфлашга, маҳсулот қимматининг ошишига йўл қўйилмоқда. Бунга Электр саноати министрлигининг электротехника заводини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Заводда меҳнат ва ишчи планлаш яхши ташкил этилмаган. Завод раҳбарлари жавобгарлик ҳиссини йўқотиб қўйганлар. Шунингдек, шаҳардаги «Қизил тонг» фабрикасида брак ва сифатсиз маҳсулот ишлабчиқаришга йўл қўйилмоқда. Фабрика ишлабчиққан маҳсулотларнинг 4 процентдан 16 процентгача қайта ишлаш учун қайтарилди.

Министрликлар бўлса саноат корхоналарига юзаки раҳбарлик қилмоқдалар; ишлабчиқаришни нотўғри планлаштириш, ҳолларига йўл қўйилмоқда, корхоналар хомаш'ё блан етарли та'минланмаётир, техника процесси тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаётир. Йўл қўйилган камчиликларни тугатиш учун бутун чораларни кўриш, ишлабчиқариш техникаси ва экономикасини тинмай ўрганиш, бу соҳадаги илғор, янги нарсаларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб туриш— партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Тошкент республикамизнинг йирик саноат марказидир. Бунда социалистик қишлоқ хўжалигимиз учун қишлоқ хўжалик машиналари, запас қисмлар етказиб берадиган саноат корхоналари бор. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган қарорларида саноат корхоналари олдига жуда катта ва шарафли вазифалар қўйилган.

Конференция шаҳар саноат корхоналарининг қишлоқ хўжалигини механизациялашда берадиган ёрдамини янада ошириш тадбирларини белгилаши зарур. Шаҳар саноат корхоналари кўклам экин кампанияси бошланганга қадар чигитни квадрат-уялаб экишга мослаштирилган 3,5 минг пахта сеялкаси, «ССК» сеялкасини модернизацияси учун 5,7 минг комплект узеллар тайёрлаб бериши керак. 1955 йилда қишлоқ хўжалиги учун кўплаб сеялкалар, пахта териш машиналари етказиб бериш зарур. Шаҳар корхоналарининг колхозга оталигини янада яхшилаш керак. Шаҳар партия ташкилотлари бу муҳим вазифаларни шараф блан бажаришлари, партиямиз Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини юксалтиришга қаратилган тадбирларини турмушда амалга ошириш учун ўзларининг бутун ташкилотчилик фаолиятларини ишга солишлари зарур. Шаҳар партия конференцияси партия ташкилотлари олдига қишлоқ хўжалигига саноат корхоналарининг ёрдамини янада кучайтиришни зарур вазифа қилиб қўяди.

Саноатимиз ва қишлоқ хўжалигининг тинмай юксалиши халқ моддий фаровонлигини тинмай ошишини та'минлади Меҳнаткашларнинг кун сайин ўсиб бораётган моддий ва маданий ихтиёжларини қондириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш—партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Шаҳар партия конференцияси партия ташкилотларининг э'тиборини кенг иste'мол моллари ишлабчиқаришни янада ошириш, унинг сифатини яхшилаш учун олиб борилаётган ишларга раҳбарликни янада оширишга қаратмоғи керак. Шаҳарда умумий овқатланиш жойларини кўпайтириш ва яхшилаш, шаҳарни тинмай обод қилиш, уй-жой ва коммунал қурилиш ишларини янада яхшилаш, шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари блан етарли та'минлаш тўғрисидаги масалалар кенг муҳокама қилиниши зарур.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан илғари сурилаётган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш партиявий-сиёсий ва партиявий ташкилий ишларни ҳозирги куннинг вазифалари даражасига кўтаришни талаб қилади. Ишлабчиқаришда коммунистларнинг активлиги ва ижодий ташаббускорлигини ошириш зарур. Партия ички демократиясига қат'ий риоя қилинишини та'минлаш, партия мажлислари, партия комитети Пленумларининг ўз вақтида ўтказилишини та'минлаш муҳимдир. Партия ташкилотлари кадрлар блан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш, давлат аппарати ишларига раҳбарликни янада оширишлари керак. Партия қарорларининг бажарилишини, ижроси текширишни та'минлаш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Шаҳар партия конференцияси танқид ва ўз-ўзини танқид асосида партия ташкилотларининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишдаги камчиликларини ҳартарафлама очиб ташлайди.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган коммунизм қурилиши вазифаларини ҳал этишда партия ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш, уни янги вазифалар даражасига кўтариш зарур. Улар халқ хўжалигимизнинг ҳамма тармоқларига раҳбарлик даражасини анча оширишлари ва бу раҳбарликни янада малакали, конкрет ва оперативроқ қилишлари керак.

Идеология ишларини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Аммо шаҳардаги ба'зибир партия ташкилотлари идеология ишлари блан етарли шуғулланмаётирлар. Илмий муассасаларга раҳбарлик қилишда ҳам камчиликлар бор. Илмий муассасалар қишлоқ хўжалигига, айниқса пахтачиликни ривожлантиришга яқинлан ёрдам бермаётирлар. СоюзНИХИ пахтачиликнинг муҳим масалаларини жуда секинлик блан ишлаб чиқмоқда.

Кадрларни марксизм-ленинизм назарияси блан қуроллантириш, сиёсий жиҳатдан чиниктириш идеология соҳасидаги энг муҳим вазифадир. Партия ташкилотлари партия маорифини юксак савияда ташкил этишлари, пропагандист кадрлар блан тинмай иш олиб боришлари, марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганучилар блан мунтазам шуғулланишлари керак.

Шаҳар партия конференциясини КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун барча партия ташкилотларининг жанговарлигини янада ошириш, партия раҳбарлигини, партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишларни янада янги вазифалар даражасига кўтариш шиори остида ўтказайлик

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Совет Иттифоқи Маршали С. К. Тимошенкони Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Совет Иттифоқи Маршали С. К. Тимошенко тугилган кунинг олтмиш йиллига муносабати блан ва унинг Совет давлати ҳамда Совет Армияси олдидаги хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Семен Константинович **Тимошенко Ленин** ордени блан мукофотлансин

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1955 йил, 18 февраль.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ДОН ЭКИШ

Тошкент областининг колхозлари дон экишга ўтган йилдагидан бир ой илгари оммавий равишда киришдилар. Ховос, Верхне-волинск, Оҳангарон, Орконикидзе, Ўртасарой районларида ва бошқа районларда ҳозирдаёқ минглаб гектар ерга бугдой ва арпа экилди.

Областьда дон экинлари майдони ўтган йилдагига нисбатан қариб беш минг гектар кенгайтирилади. (ЎзТАГ).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитетининг яқинда иш бошлаши муносабати блан

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш Комиссиясининг Кичик Комитети 25 февральда Лондонда ўз ишини бошлайди. Бош Ассамблеянинг қарори блан бу Комиссияга қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш ва атом қуролини ҳамда яппи қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлаш масаласи юзасидан битимга келиш учун яна уриниб кўриш вазифаси юклатилган. Қуролсизланиш Комиссиясининг фаолиятида муваффақиятга эришишнинг муҳимлиги яққол кўриниб турган бир нарсадир. Бироқ, Комиссия ва унинг Кичик Комитети тегишли халқаро битимга келиш учун шу вақтгача ҳечбир иш қилмадилар Шу муносабат блан Совет Ҳукумати қуйидаги баёнотни э'лон қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барпо қилинган вақтдан бери Совет Иттифоқи, атом уруши хавфидан халқларни халос қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жуда муҳим вазифаси деб ҳисоблаб, қурол-яроғларни яппи камайтиришни ва атом қуролини тақиқлашни талаб қилиб келмоқда. Шу мақсад блан Совет Иттифоқи қурол-яроғларни анча камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисида халқаро битим тузишни кўзлаб, неча марталаб таклифлар киритди.

Атом, водород қуролларини ва яппи қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлаш тўғрисида, қурол-яроғларни анча камайтириш тўғрисида халқаро конвенция проектини тайёрлаш ва шу конвенциянинг бажарилиши устидан халқаро контроль ўрнатиш ҳақида Совет Иттифоқи томонидан Бош Ассамблеянинг IX сессиясида 1954 йил сентябрь ойида қилинган таклиф бу соҳада янги муҳим қадам бўлди.

Совет Иттифоқи бу масала юзасидан битимга келиш имкониятини осонлаштириш мақсадида Франция блан Англиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш Комиссиясининг Кичик Комитетида 1954 йил 11 июньда киритган таклифларини мана шу конвенцияга асос қилиб олишни таклиф қилди. Ма'лумки, бу совет таклифи Бош Ассамблея сессиясида ҳам, шунингдек жаҳондаги кенг жамоатчилик доиралари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Бош Ассамблея қурол-яроғларни камайтириш ҳамда атом, водород қуролларини ва яппи қирғин қуролларининг бошқа ҳамма турларини тақиқлаш проблемасини мақбул равишда ҳал қилиш йўлини топиш мақсадини кўзлаб, қуролсизланиш комиссиясига ва унинг Кичик Комитетига Совет Иттифоқининг бу таклифларини ҳамда бошқа мамлакатларнинг таклифларини кўриб чиқишни топширди. Шу блан бирга, Бош Ассамблея қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласи юзасидан битимга келиш мақсадида яна куч ва ғайрат сарф қилиш зарурлиги тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Шу қарорга илоҳ равишда, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция халқаро битимни тўғридан-тўғри бузишга олиб келадиган талбирларни ўтказмоқдалар. Буни уларнинг Париж битимларини я'ни Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштиришни ва уни Европадаги тинчликсевар давлатларга қарши қаратилган ҳарбий гуруҳларга кўшишни кўзда тутаётган битимларни тузганликлари кўрсатиб турибди. Бу эса зўр бериб қуролланишни, шу жумладан атом қуроли ишлаб чиқариш соҳасида ҳам зўр бериб қуролланишни кучайтиришга муқаррар олиб келади.

Париж битимларининг амалга оширилиши Европада янги уруш хавфини ва шу тарика жаҳон уруши хавфини ҳам ниҳоят даражада кўпайтирган бўлур эди. Шундай қилиб, Париж битимлари мазкур Ғарб давлатлари ҳукуматларининг қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласи юзасидан музокаралар олиб боришга ўзларининг тайёр эканликлари тўғрисида айтаётган гапларига сра тўғри келмайди.

Шимолий Атлантик кенгаши сессиясида 1954 йил декабрь ойида қабул қилинган қарор ҳам мазкур ҳукуматларнинг шу тўғридаги баёнотларига бутунлай зиддир. Шу блок қатнашчилари бўлган давлатлар, шу жумладан, айни бир вақтда БМТ, Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитетининг а'золари ҳам бўлган АҚШ, Англия, Франция ва Канада атом урушига тайёрланиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. АҚШ, Англия, Франция ҳукуматларининг ҳамда Шимолий Атлантик блокига қатнашган бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг бундай сиёсати қирғин атом уруши хавфини ва бундай урушнинг Европанинг ва ҳаттоки Европадан бошқа жойларнинг ҳам аҳоли энг кўп жойлашган районларидаги халқлар учун оғир оқибатлар келтириш хавфини кучайтирмаслиги мумкин эмас.

Совет Ҳукумати халқаро кескинликни янада юмшатишга, мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатишга ва қурол-яроғларни яппи камайтириш ҳамда атом қуролини тақиқлаш проблемаларини ҳал қилишга муттасил интилиб, АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларининг э'тиборини Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштириш муносабати блан, шунингдек атом уруши планларини тузаётганликлари ва зўр бериб қуролланишни давом этдираётганликлари муносабати блан ўз устларига олаётган мас'улиятга э'тиборларини жалб этишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Ғарб давлатларининг бу сиёсати Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитетининг состави масаласини ҳал қилишда ҳам ўз та'сирини кўрсатди. Гарчи Осиё мамлакатлари, жаҳоннинг бошқа мамлакатлари каби, қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласининг ҳал қилинишига манфаатлор бўлсалар ҳам, Осиё мамлакатларининг ҳечбиридан Кичик Комитетга вакил олинмади. Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикасини, Ҳиндистонни, шунингдек Чехословакияни Кичик Комитет составига киритишни таклиф қилган эди. Бироқ, Ғарб давлатлари бу таклифни қабул қилмадилар ва бошқа қарорни қабул қилдирдилар, бунинг натижасида Кичик Комитет составини қониқарли деб ҳисоблаб бўлмайди, бу ҳол ҳозиранок Кичик Комитетнинг бутун ишига ёмон та'сир кўрсатди.

Халқларнинг ҳаётий манфаатлари инсоннят генийсининг улуғ кашфиёти бўлган атом энергиясидан одамларни яппи қириш сингари мақсадлар учун фойдаланишни мумкин бўлмайдиган иш қилиб қўйиш ниятида атом қуролини тақиқлаш масаласининг кечиктирилмай ҳал этилишини талаб қилади. Халқларнинг ҳаётий манфаатлари атом энергиясини тинчлик мақсадларда қўлланиш соҳасида ҳозирданоқ бошлаб кенг миқёсда халқаро ҳамкорлик вужудга келтирилишини талаб қилмоқда. Бундай ҳамкорлик иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатлар ва районлар учун, шунингдек атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш — саноатда, медицинада ва тинч фаолиятнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун зарур бўлган техника имкониятлари ва бошқа имкониятлари ҳозирги вақтда бўлмаган бошқа давлатлар учун ҳам алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Мана шунга асосланиб, Совет Иттифоқи атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ишида бирқанча давлатларга ёрдам кўрсатишни таклиф қилди ва бошқа мамлакатларга ҳам шундай ёрдам бериш масаласини кўриб чиқмоқда.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш юзасидан шу йил август ойида Жанвада чақириладиган ва Совет Иттифоқи яқиндан иштирок қиладиган халқаро конференциянинг аҳамияти ҳам бу конференциянинг шу соҳада халқаро ҳамкорлик қилишга амалда қанчалик ёрдам беришига боғлиқ бўлади. Совет Ҳукумати мазкур конференцияда, бошқа ҳамма ма'лумотлардан ташқари, СССРда биринчи қурилган ва атом энергияси блан муваффақиятли ишлаётган саноат электростанциясининг тажрибалари тўғрисида доклад тақдим қилишини хабар қилиб қўйди.

Ўз-ўзидан ма'лумки, атом қуролини тақиқлаш тўғрисида халқаро битимнинг йўқлиги атом энергиясини тинчлик мақсадларида қўлланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни тўла равишда авж олдириб юборишга жиддий тўсқин бўлиб турибди.

Совет Ҳукумати Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг 1955 йил 9 февральдаги Қарорига ва шу Қарорнинг нифоласи бўлган Олий Совет Декларациясига амал қилиб, қурол-яроғларни яппи камайтириш тўғрисида ва даставвал катта давлатларнинг қурол-яроғларини анча камайтириш тўғрисида давлатларнинг битимга келишларига ёрдам беришни, аввалгидек, зарур деб ҳисоблайди. Совет Ҳукумати атом, водород қуроллари ва яппи қирғин қуролларининг бошқа ҳарқандай турлари тақиқланиши лозим ҳамда атом қуролининг тақиқланганлиги устидан, шунингдек қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш устидан самарали халқаро контрольни та'минлайдиган тегишли тадбирлар ўтказилиши лозим деб ҳисоблайди.

Давлатлар бу қуролни қўлланишдан воз кечиш ҳақида ўз зиммаларига тантанали мажбурият олиб, бу ҳақда халқаро битим тузсалар, бундай битим атом қуролини тўла равишда тақиқлаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлур эди. Ма'лумки, Совет ҳукумати 1953 йил 21 декабрьдаги ўз баёнотида шу нарсани таклиф қилган эди, шунингдек бутун 1954 йил давомида АҚШ ҳукумати блан атом масаласи устида олиб борган музокараларида шуни қаттиқ талаб қилган эди. Гарчи атом қуролини қўлланишдан воз кечиш тўғрисида давлатларнинг ўз зиммаларига мажбуриятлар олишлари барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушуви ва халқаро кескинликни юмшатиш учун ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш учун энг ижобий аҳамиятга эга бўлиши жуда яққол кўриниб турган бир нарса бўлса ҳам, афсуски, бу хусусда шу вақтгача зарур бўлган даражада бамаслаҳат бир фикрга келиш мумкин бўлмади. Давлатларнинг атом қуролини қўлланишдан воз кечишлари атом қуролини тўла равишда ва ҳеч сўзсиз тақиқлаш тўғрисида битимга келишни кўп жиҳатдан осонлаштирган бўлур эди, бу эса барча халқларнинг истак ва интилишларига мос бўлиб тушар эди.

Атом ва водород қуролини тўла равишда тақиқлаш, бу қуролларни ишлаб чиқаришни, сақлашни ва улардан фойдаланишни тақиқлашгина атом уруши хавфини тугатиш проблемасини узил-кесил ҳал қилиб бериши мумкин.

Афсуски, Совет Иттифоқининг атом қуролини ҳеч сўзсиз тақиқлашга қаратилган таклифлари Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Ғарбдаги бошқа давлатлар томонидан систематик равишда рад қилинмоқда. шу сабабли бу жуда муҳим масала юзасидан битимга келиш шу вақтгача мумкин бўлмади.

Кейинги вақтларда халқаро кенг жамоатчилик доиралари мавжуд атом ва водород қуролларининг запасларини йўқ қилишни талаб қилмоқдалар. Бу талабларнинг амалга оширилиши асосий мақсадга эришишга — атом қуролини барча давлатларнинг қурол-яроғлари орасидан чиқариб ташлаб, атом қуролини тўла равишда тақиқлашга ёрдам берган бўлур эди.

Шунга мувофиқ ва Бош Ассамблеянинг IX сессиясида тақдим этилган таклифларга қўшимча қилиб, Совет Ҳукумати давлатлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олишлари тўғрисида таклиф киритишни зарур деб ҳисоблайди:

1. Давлатлар қўлидаги атом ва водород қуролларининг мавжуд запаслари бутунлай йўқ қилинсин ва атом материалларидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланилсин.

2. Давлатлар ўз қуролли кучларининг сонини ва ўз қурол-яроғларини 1955 йил 1 январьдаги даражага нисбатан кўпайтирмасинлар, шунингдек ҳарбий мақсадлар учун ажратилаётган маблағларни 1955 йилги бюджетдан ажратилган маблағлар даражасидан кўпайтирмасинлар.

Шу блан бирга, Совет Ҳукумати мазкур қарорларга риоя қилиш устидан тегишли халқаро контроль ўрнатилсин, деган фикрни ҳам баён қилади.

Совет Ҳукумати, барча халқлар қуролсизланиш проблемасининг ҳамда атом қуролини тақиқлаш проблемасининг ҳал қилинишига ғоят манфаатдордирлар деб билади. Ҳечбир давлат, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига а'зо бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қат'и назар, бу жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифани ҳал қилишга қатнашишдан четлатилмаслиги лозим.

Шу муносабат блан шуни эслатиб ўтиш зарурки, Совет Иттифоқи, жумладан, тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг 1954 йил январь ойида Берлинда бўлган кенгашида қурол-яроғларни яппи камайтиришга бағишлаб Жаҳон конференцияси чақиришни таклиф қилган эди. Бундай конференция чақирилиши халқаро муносабатлардаги кескинликни камайтириш манфаатларига, умумий тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади.

Совет Ҳукумати, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қурол-яроғларни яппи камайтиришга ва атом қуролини тақиқлашга бағишланган Жаҳон конференциясини 1955 йилдаёқ чақириши зарур, деб ҳисоблайди.

1955 йил 18 февраль.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг 18 февральда навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда Тошкент шаҳри Сталин сайлов округида ва Самарқанд шаҳри Сиёб сайлов округида сайловга тайёргарликни бориши тўғрисидаги докладлар эшитилди. Бу округларнинг сайлов комиссиялари ишида, айниқса Тошкент шаҳри Сталин сайлов округи Округ сайлов комиссияси (Комиссия раиси Ю. Қиргизбоев) ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги та'кидланди. Округ комиссиялари участка комиссияларининг фаолиятини етарли даражада контроллик қилмаётирлар, сайловга ташкилий-техника тайёргарлиги ёмон бораётганлиги фактларига нисбатан кўпинча зарур чоралар кўрмаётирлар. Сталин сайлов округида учта участка сайлов комиссияси узоқ вақтгача тегишли бинолар блан та'минланмаганлар. Бу округдаги икки (155-нчи ва 167-нчи), участка комиссиялари текшириш ўтказилган пайтга қадар бир марта ҳам мажлис ўтказмаганлар.

Тошкент шаҳри Сталин сайлов округида ва Самарқанд шаҳри Сиёб сайлов округида сайловчиларнинг рўйхатларини текшириш секин бораётир.

Бу камчиликларнинг сабаби кўпроқ шундаки, меҳнаткашлар депутатлари Фрунзе ва Сиёб район Советларининг ижроия комитетлари сайловга ташкилий-техника жиҳатидан тайёргарлик кўришга етарли э'тибор бермаганлар.

Марказий сайлов комиссияси ўзининг қабул қилган қарорларида Сталин ва Сиёб сайлов округи Округ сайлов комиссияларининг ишларида аниқланган камчиликларни тугатиш ва уларнинг ишларини яхшилаши учун конкрет тадбирлар белгилади.

Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисида узоқ масофага жўнайдиган поездларда сайлов участкалари ташкил қилиш ва уларни сайлов округларига боғлаш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди.

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида низом»нинг 35-нчи моддасига мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон территориясидан ўтадиган поездларда, чунончи Москва блан Андижон ўртасида қатнайдиган 48-нчи поезда, Москва блан Ашхабод ўртасида қатнайдиган 24-нчи поезда, Сталинобод блан Москва ўртасида қатнайдиган 23-нчи поезда, Москва блан Сталинобод ўртасида қатнайдиган 24-нчи поезда, Тошкент блан Красноводск ўртасида қатнайдиган 78-нчи поезда, Тошкент блан Сталинобод ўртасида қатнайдиган 80-нчи поезда, Сталинобод блан Тошкент ўртасида қатнайдиган 79-нчи поезда сайлов участкалари тузишга қарор қилинди. Бу сайлов участкалари Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Урсатьевский, Авиацион, Тошкент—Ленин, Ворошилов, Боғон—Темирйўл, Қарши—посёлка ва Темирйўл сайлов округларида тегишли равишда боғланадилар.

Марказий сайлов комиссияси СССР Алоқа министрлигининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги вакилининг ўринбосари А. С. Срибнийнинг алоқа воситаларининг сайловга тайёрлиги тўғрисидаги ахборотини ма'лумот учун қабул қилди. Бажарилган ишлар натижасида 421 округ сайлов комиссияси ва 3073 сайлов участкасининг ҳаммаси электр алоқа воситалари блан та'минланган. Узоқдаги сайлов участкаларига хизмат қилиш учун қўшимча равишда 54 радио станция ажратилган.

Мажлисда сайлов участкаларини сайлов ҳужжатлари блан та'минлаш масаласи ҳам кўрилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг бўлим мудири Ш. С. Собировнинг Марказий сайлов комиссиясига ма'лум қилишича Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказилиши барча сайлов округлари бўйича сайлов бюллетеньлари маркаллаштирилган тартибда босмадан чиқарилган ва белгиланган муддатларда жойларга жўнатилган. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларига бу ҳужжатларнинг участка комиссияларига етказилиши устидан контроль қилиб бориш ва уларни сайловчиларга топшириш пайтига қадар тегишли даражада сақлашни та'минлаш мажбуриятини юклади. (ЎзТАГ).

Нашриёт ва полиграфия саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида

Нашриёт ва полиграфия саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида 18 февральда секциялар ишлади.

Янги полиграфия корхоналари қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ҳамда уларни техника блан қуроллантириш секциясининг мажлисида сўзга чиққан кишиларнинг кўпчилиги корхоналарнинг типовой проектларини тузишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида гапирдилар. Жумладан бундай проектлар айрим районларнинг географик хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олинмаслан тузилаётганлигини айтиб ўтдилар. Полиграфия ходимлари мавжуд ускуналардан ва ишлабчиқариш майдонларидан бирмунча рационал фойдаланиш йўли блан ҳархил асарлар босиб чиқаришни кўпайтириш имкониятларига эга эканликлари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Материал-техника та'миноти секциясининг мажлисида полиграфия корхоналарини турли материаллар блан та'минлашни тартибга солиш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги Главбумсбитининг ишн қаттиқ танқид қилинди.

Бошқа секцияларда нашриётлардаги редакцион ишларни ташкил этиш, китоблар нашр этишни планлаштириш ва китобларни бадиий жиҳатдан безаш, илғор технология процесларини жорий қилиш ва мавжуд полиграфия ускуналарини ишлатишни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. (ТАСС).

АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ

Партия ва халқ

Иттифоқдош ва Автоном республикалар Олий Советларига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловларга бирнеча кун қолди. Шу кунларда коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун, Ватанимизнинг содиқ фарзандлари учун агитация кучайтириб юборилди.

Совет Иттифоқининг барча халқлари аҳил ва аҳил бўлиб, ўз давлат ҳокимияти органларига халқимизнинг асл фарзандларини — Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини, саноат ва қишлоқ хўжалик илғорларини, ишлабчиқариш новаторларини, фан ва маданиятнинг йирик арбобларини, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг жангчиларини депутатликка кандидат қилиб кўрсатдилар. Коммунистлар блан партиясизлар блокининг бу кандидатлари — ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар ўртасидаги мустаҳкам иттифоқнинг, Совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг, СССР халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликнинг, Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва халқимиз бирдамлигининг ёрқин ифодасидир.

Совет кишилари мамлакатимизни коммунизм ғалабалари сари олиб бораётган улуғ Коммунистик партиянинг номич зўр қувонч, фахр ва муҳаббат туйғулари блан тилга оладилар. Мамлакатимизда капиталистлар ва помещиклар ҳокимиятини ағдариш учун, социалистик революция ғалабаси учун, социализм жамияти барпо қилиш ва коммунизм тантанасига эришиш учун ярим аср мобайнида Коммунистик партиямиз олиб борган қаҳрамонона курош халқ ва партияни, коммунистлар ва партиясизларни бир монолит оила қилиб, совет кишиларининг умумий коллективи қилиб бирлаштирди. Улар бир коллектив бўлиб яшаб, мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш учун биргаликда курашдилар, Ватанимиз озодлиги ва шонш-шуҳрати учун биргаликда жанг қилдилар, мамлакатимиз душманлари устидан ғалаба қозондилар, улар бир коллектив бўлиб социалистик жамият барпо қилдилар ва эндиликда коммунизм ғалабаси сари бормоқдалар.

Коммунистик партиямизни тузган улуғ Ленин партиямизни **«давримизнинг ақлидроки, шон-шарафи ва виждони»** деб атади. Коммунистик партия ўзининг бутун фаолиятида марксизм-ленинизм назариясига амал қилганлиги учун, партиямиз сиёсати ижтимоий тараққиёт қонунларини илмий йўл блан билишга таянгани учун давримизнинг ақл-идроки-дир. Коммунистик партиямиз халқнинг энг асл фарзандларини ўз сафида бирлаштирганлиги учун, бир маслакдаги коммунистларнинг ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция кишиларидан ташкил топган кўнгилли, жанговар иттифоқи бўлганлиги учун давримизнинг шон-шарафи ва виждонидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бутун тарихи партиянинг меҳнаткашлар оммаси манфаатлари учун, халқнинг озодлиги, бахт-саодати учун кураш тарихидир. Коммунистик партиянинг улуғ йўлбошчиси гениал Ленин, унинг содиқ сафдоши ва шогирди И. В. Сталин, партиямизнинг бутун фидокор ишчилари ўзларининг бутун ҳаётларини ишчилар синфи учун, халқнинг бахт-саодати учун бағишладилар. Партиямиз ишчи ва деҳқонларнинг иши учун фидокорона кураши блан, жамиятни революцион йўсинда қайта қуриш соҳасида ҳормай-толмай қилган ишлари блан бутун совет халқининг чексиз муҳаббати ва ишончига сазовор бўлди. Ватанимиз меҳнаткашлари мамлакатимизда илгари бўлиб ўтган барча сиёсий партиялар орасида фақат коммунистлар партиясигина меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ифода этадиган **чинакам халқ партияси** эканлигини кўпйиллик тарихий тажрибада кўриб ишондилар.

«Партия тарихи шуни ўргатадики, ишчилар синфининг партияси омма блан кенг алоқада бўлмасдан туриб, шу алоқаларни доимо мустаҳкамламасдан туриб, омманинг айтганларига қулоқ солабилмасдан ва унинг муҳим эҳтиёжларини тушунабилмасдан туриб, оммага ўргатишгагина эмас, балки оммадан ўрганишга ҳам тайёр турмасдан туриб, миллион-миллион ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни ўзига эргаштираоладиган чинакам оммавий партия бўлиши мумкин эмас» (ВКП(б) тарихи, қисқа курс, 445 бет).

Ўзларини «халқ дўстлари» деб атаб келган бирқанча буржуа партиялари — народниклар, эсерлар, анархистлар аслда халқ манфаатларига зид ишлар қилдилар, бу партиялар халқдан жуда йироқ, халққа бутунлай бегона эдилар. Бу партиялар халқ оммасини менсимас эдилар, тарихни яратучи халқ эмас, балки айрим машҳур шахслар, я'ни «қаҳрамонлар» деб тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам бу партиялар халқдан аҳралиб қолиб, ҳалок бўлдилар, бу партияларнинг намояндалари халқ душманларига, авантюристларга айланиб кетдилар.

Фақат Коммунистик партиягина марксизм-ленинизм назариясига амал қилиб, жамият тараққиётининг об'ектив иқтисодий қонунларини билишга таяниб, жамият модий ҳаётининг ривожланиш эҳтиёжларини, халқнинг туб манфаатларини тўғри акс этдираоладиган сиёсат ишлаб чиқди, омманинг революцион ғайрати, революцион ижодининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди.

Коммунистик партия халқни, меҳнаткашлар оммасини тарихнинг чинакам ижодкорлари деб ҳисоблайди. Коммунистик партия марксизм-ленинизм та'лимотига асосланиб айтадики: тарихни қаҳрамонлар яратмайди, балки тарих қаҳрамонларни яратади, демак, халқни қаҳрамонлар вужудга келтирмайди, балки халқ қаҳрамонларни вужудга келтиради ва тарихни олға суради.

Коммунистик партиямизнинг улуғ йўлбошчиси Ленининг, Ленин ишларининг улуғ давомчиси Сталининг бутун ҳаёти, фаолияти халқ оммасининг ижодий кучига зўр ишонч блан суғорилган. И. В. Сталин айтганидек, омманинг ижодий кучига бениҳоя ишониш Ленин фаолиятидаги энг муҳим хусусиятдир. Шунинг учун Ленин та'лим берар эдики: «Халққа ишонган, жўш уриб турган халқ ижодиёти булоғидан баҳраманд бўлганларгина ғалаба қилаолади ва ҳокимиятни ўз қўлида тутиб қолаолади».

Партиямиз, ҳақиқатан ҳам, халқ оммаси блан чамбарчас боғланиб, ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини уюштириб, Россияда халқ революциясини авж олдириш ва уни ғалаба қилдириш йўлини, меҳнаткашларни чориям ва капитализм зулмидан озод қилиш йўлини тутди. Партиямиз 1917 йилда ишчилар синфини, шунингдек меҳнаткашларнинг энгил қисмини ўз сиёсатининг, шиорларининг тўғрилигига ишонтираолди ва халқни чоризмни, сўнгра капитализмни штурм қилишга бошлаб бораолди.

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул-тарихий ғалабаси шунинг учун мумкин бўлдики, Коммунистик партия Россиядаги кенг халқ оммасининг тинчлик йўлидаги умумдемократик ҳаракатини, кенг деҳқонлар оммасининг помещиклар ерини тортиб олиш йўлидаги ҳаракатини, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини ва пролетариатнинг буржуазияни ағдариб ташлаб, ўз ҳокимиятини ўрнатиш йўлидаги социалистик ҳаракатини битта қудратли революцион оқим қилиб бирлаштирди.

* * *

Мамлакатимизда социалистик революциянинг ғалабаси революциянинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси — партия блан халқ оммасининг, ишчилар синфи ва деҳқонларнинг алоқасини янада мустаҳкамлади, меҳнаткашларнинг партиямиз атрофига жиплашувини кучайтирди. Коммунистик партиямиз капитализм қуллигидан озод бўлган миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини янги, социалистик тузум барпо қилиш йўлида улуғ тарихий, ижодий ишларга отлантирди.

Интервенция ва гражданлар уруши йилларидаги зўр қийинчиликлар, очлик ва вайронлик озод бўлган меҳнаткаш халқнинг иродасини, унинг янги, социалистик жамият қуриш йўлидаги интилишини енгаолмади. Улуғ Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларида ишчиларнинг мамлакат ишларида кўрсатган қаҳрамонликларига жуда катта баҳо бериб, уни «буюк почин» деб атаган эди. «Бу қали ишнинг бошланишигиналиб, — деган эди Ленин, — лекин бу мисли кўрилмаган ғоят муҳим бошланишдир. Бу — буржуазияни ағдаришга қараганда ҳийли қийинроқ, ҳийли муҳимроқ, ҳийли асослироқ, ҳийли қат'ийроқ ўзгаришнинг бошланишидир... Шу ғалаба мустаҳкамланганда ва фақат шундагина янги ижтимоий интизом, я'ни социалистик интизом вужудга келтирилади, шунда ва фақат шундагина орқага, я'ни капитализмга қайтиш мумкин бўлмайди ва коммунизм дарҳақиқат енгилмас бўлади» (Асарлар, 29 том, 425—426 бетлар).

Коммунистик партия улуғ Ленин васиятларини бажариб, халқ оммасини мамлакатимизда социализм барпо қилиш учун буюк ижодий ишларга кўтарди, ҳақиқатан ҳам, чинакам, янги ижтимоий интизом, социалистик интизом вужудга келтираолди, социализм қуриш йўлида халқ оммасининг тарихда мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатишига, му'жизалар яратаолишига муваффақ бўлди.

Коммунистик партиянинг халқимизнинг ижодий кучларига, социализм қуриш йўлидаги ташаббуси ва ғайратига бошчилик қилиши, халқ оммасининг бахт-саодати, фаровон ҳаёт кечириши йўлида ҳормай-толмай кураши халқ оммаси блан партиянинг бирлигини мустаҳкамлади, партияга халқимизнинг муҳаббати ва садоқатини янада оширди. Шунинг учун Ватан бошига оғир кунлар келган уруш йилларида халқимиз Коммунистик партия атрофига янада мустаҳкамроқ жиплашди, партия халқ блан янада кўпроқ бирлашиб кетди, совет халқининг фашист босқинчилар устидан қозонган буюк ғалабасининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлиб майдонга чиқди.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси коммунизм қураётган совет жамиятининг етакчи, раҳбар ва йўлбошловчи кучидир, совет халқининг синалган йўлбошчиси ва раҳбаридир.

Партиямизнинг чинакам халқ партияси эканлигини, омма блан алоқаси мустаҳкам эканлигини ва обрўсини тобора ошаётганлигини кўрсатадиган яққол далил партия сафларининг ўсганлигидир. Партиянинг XVIII с'езди олдидан партия сафида ҳаммаси бўлиб 2.477.666 киши бор эди. 1952 йил 1 октябрьда партия сафларида а'золар сони 6.882.145 кишига етди. Партиямизнинг ҳарбир а'зоси ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция орасидан чиққан энг фидокор кишилар, коммунизм қурувчиларнинг авангардида боруви илғор кураш-чиларидир.

Коммунистик партиямиз ҳарбир партия а'зосидан «Партиямизнинг кучи ва енгилмаслиги унинг халқ блан қон-қардош ва чамбарчас боғланганлигида эканлигини эсда тутиб, омма блан алоқани кун сайин мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб бериш, партия сиёсати ва қарорларининг ма'несини оммага тушунтириб туришни» талаб қилади. Партиямиз уставининг бу талабини бажариш ҳарбир коммунистнинг муқаддас бурчидир.

Партиямизнинг уставида, эндиликда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосий вазифалари социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўли блан коммунистик жамият қуришдан, жамиятнинг модий ва маданий даражасини доимо юксалтириб боришдан, жамият а'золарини интернационализм руҳида ва барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар блан қардошлик алоқаларини ўрнатиш руҳида тарбиялашдан, Совет Ватанини унинг душманларининг агрессив ҳаражатларидан актив мудофаа қилишни ҳартарафлама мустаҳкамлаб боришдан иборат, дейилган.

Партиямизнинг тарихий XIX с'езди қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил), февраль-март, июнь (1954 йил) ва январь (1955 йил) Пленумлари қарорларида бу вазифаларни амалга оширишнинг конкрет программаси чизиб берилган.

Коммунистик партиямиз совет халқининг ижодий ғайрати ва ташаббусига боғлиқ бўлиб, улуғ вазифаларни амалга ошириш йўлида меҳнаткашлар оммасини сафарбар қилмоқда. Партия совет халқини социалистик экономика асосларининг асосий, халқ фаровонлигининг манбаи, буюк Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қувватининг базиси бўлган оғир индустрияни янада тезроқ ривожлантиришга сафарбар қилмоқда. Партия бу соҳала эришилган муваффақиятларга асосланиб, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришни, енгил ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришни ташкил қилмоқда. Партия социалистик маданиятимизнинг гуллаб-яшнаши, фан, сан'атнинг равнақ топиши учун буюк имкониятлар вужудга келтирмоқда.

Партиямизнинг халқ оммасининг ижодий кучларини сафарбар қилишдаги буюк ташкилотчилик ишлари ажойиб самаралар бермоқда. 1954 йилда СССРдаги барча саноатнинг ялпи маҳсулоти 1953 йилга нисбатан 13 процент, 1950 йилга нисбатан эса 65 процент ўсди. Қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришдан иборат улуғ программа муваффақият блан бажарилмоқда. 1954 йилда 3,5 миллион гектардан ортиқ қўриқ ерга дон экилди, келгуси йилда ҳосил олиш учун жам'и 17 миллион гектардан ортиқ қўриқ ер ҳайдаб қўйилди. 1956 йилда қўриқ ерларда дон экиладиган майдонлар 28—30 миллион гектарга етказилади. Меҳнаткашларнинг модий фаровонлиги ва маданий даражаси бетўхтов ошмоқда. СССРнинг 1954 йилги миллий даромади 1953 йилга нисбатан 11 процент ошди.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси Коммунистик партиямиз сиёсатининг порлоқ ғалабасидир, бу сиёсат меҳнаткашлар оммасининг асл манфаатларига мувофиқ эканлигининг ёркин далилидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети январь Пленумининг «Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги тарихий қарори, СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг мамлакатимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигининг ёркин далилидир. Бу қарорларни совет халқи зўр мамнуният блан кутиб олди ва партиямиз етакчилигида мамлакатимиз олдига қўйилган тарихий вазифаларни бажаришга зўр ғайрат блан киришди.

«Халқнинг, Ҳукуматнинг ва Коммунистик партиянинг бузилмас бирлиги, совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлиги, халқларимизнинг дўстлиги ва совет кишиларининг социалистик Ватан бахт-саодати учун қаҳрамонларча меҳнат қилишга тайёр эканликлари ҳамиша совет давлати қучининг қудратли манбаи бўлиб келди.

Мамлакатимизнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва халқ интеллигенцияси Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини янада кўпроқ ошириш ва коммунизм қурилишида янги муваффақиятларга эришиш учун бундан кейин ҳам ўз куч-қувватларини аямасдан ишлашларига шак-шубҳа йўқ!». **(Н. Булганин).**

Ташқи сиёсат соҳасида ҳам Коммунистик партиямизнинг асосий ғамхўрлиги халқ оммасининг асл манфаатига, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатига мувофиқдир. Партиямиз ва ҳукуматимизнинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик сиёсати Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг СССР Олий Совети II сессиясида қабул қилинган декларациясида, Н. А. Булганин, В. М. Молотов ўртоқларнинг нутқ ва докладларида яққол ифодаланди.

Америка империалистлари бошчилик қилаётган халқаро империализм халқ оммасининг хоҳиши ва иродасига қарши янги уруш бошлаш, халқларни беҳад-беҳисоб фалокатларга дучор қиладиган атом қуролини қўллаш каби ёвуз ниятларини амалга оширмоқчи бўлаётган бир вақтда, улуғ Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатлари урушга қарши тинчлик учун, халқаро аҳволдаги кескин вазиятни юмшатиш учун, атом қуроли ва бошқа ялпи қирғин қуролларини тақиқлаш учун, атом энергиясидан тинч мақсадлар йўлида фойдаланиш учун сабот блан курашмоқдалар. Ана шу буюк курашда бутун дун'ёдаги тинчликсевар кучларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи бошлиқ тинчлик лагерини қўллаб-қувватламоқда. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида бутун дун'ёда кучайиб бораётган улуғ ҳаракат ҳам Коммунистик партиянинг меҳнаткашлар оммасининг, прогрессив инсониятнинг орзу-умидларини, интилишларини ифода қилган, халқ оммаси блан чамбарчас боғланган, буюк халқ партияси эканлигининг яққол далилидир.

* * *

1955 йил 27 февраль куни кўпмиллатли улуғ Ватанимизнинг барча халқлари сайлов қутилари ёнига бориб, коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари — халқимизнинг асл фарзандлари учун яқдил бўлиб овоз берадилар. Шу тарихий кунда совет халқи Коммунистик партиямизга — ўзининг буюк йўлбошчиси, илҳомчиси ва раҳбарига чексиз садоқатини, муҳаббатини яна бир карра изҳор қилади; мақсади, манфаати, интилиши бир бўлган партиямиз ва халқимиз ўзининг бирлигини, бирдамлигини, коммунизм қуриш йўлидаги буюк иродасини яна бир марта зўр намойиш қилади.

Коммунистик партиямиз Маркс — Энгельс — Ленин — Сталининг дун'ёни ўзгартиручи ғолиб ва қудратли революцион та'лимотига амал қилиб, халқ оммаси блан алоқасини кунсайин мустаҳкамлаб, совет халқини коммунизмнинг буюк ғалабаси сари олға бошлаб бормоқда.

Р. СОҲИБОЕВ.

ЯНГИЙЙЎЛДА

САЙЛОВЛАР ШАРАФИГА

Шаҳардаги нўшт комбинатининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлари сайловлари кунини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқда.

Бу ерда гўшт ишлаб чиқариш бўйича февраль ойи биринчи ўнкунлик плани ташқари 38 тонна гўшт ишлаб чиқарилди.

Ўртоқ Қўчқоров бошчилигидаги цех коллективи сайловолди вахтасида туриб ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Қодиров, Чауш, Еқубова каби ўнлаб илғор ишчилар кундалик топшириқни ортиги блан бажараётирлар.

Шу кунларда комбинат меҳнаткашлари ойлик топшириқни муддатидан беш кун илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб юборадилар.

ШАҲАР АГИТАТОРЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Пахта тозалаш заводининг клубида яқинда шаҳар агитаторларининг йиғилиши бўлди. Бунда шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Лабеев «Сайловчилар ўртасида оммавий агитация ишларини кучайтириш тўғрисида» доклад қилди.

Шундан кейин агитаторлардан Борисова, Кейнова, Басанин, Маматов ўртоқлар музоқарага чиқиб гапирдилар ва ўз тажрибаларини йиғилиш қатнашчилари блан ўртоқлашдилар.

«ЮРАК СИРЛАРИ» ҲАВАСКОРЛАР ИЖРОСИДА

Шаҳар Маданият уйида ташкил этилган драма тўгарагига 25 дан ортиқ ҳаваскор қатнашмоқда. Яқинда бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг коллективи Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» комедиясини саҳнага қўйдилар.

Пьесани саҳналаштиришда уй ишлари блан шуғулланучи аёллардан Соколова, Поллесник, 28-чи автобаза слесари Мустафаев, қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчиси Топорков ва Янгийўл район партия комитетининг ходими Мерц ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР РЕДКОЛЛЕГИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Янгийўл район партия комитетида деворий газеталар редакторлари, редколлегия а'золари, колхоз ва мактаб партия ташкилотлари секретарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Янгийўл район партия комитетининг секретари ўртоқ Мусаев «Оммани коммунистик руҳда тарбиялашда деворий газеталарнинг вазифаси» деган темада доклад қилди.

Докладдан кейин йиғилиш қатнашчилари газета материалларини жойлаштириш ва газетани безаш қоидалари блан танишдилар. Фрунзе номли, Молотов номли, Навоий номли колхозларда чиқариладиган деворий газеталар редколлегия а'золаридан Тўлаганов, Ортиқалиев, Алимов ўртоқлар газета чиқаришдаги тажрибаларини йиғилиш қатнашчиларига сўзлаб бердилар.

БУТУНИТТИФОҚ КЎРИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ёғ-экспеллер заводи бадиий ҳаваскорлик коллективининг а'золари Бутуниттифоқ кўригига муносиб тайёрланмоқдалар.

Бадиий ҳаваскорлар фақат завод ишчиларигагина эмас, балки завод оталигидаги Октябрь районига қарашли «Сталинчи» колхози, 5 ва 16-чи совхоз ишчиларига ҳам бирнеча марта концерт қўйиб берилар.

Завод ҳузурида драма тўгарагининг ташкил этилганига етти йил бўлди. Диспетчер М. Шевчук, болалар боғчасининг тарбиячиси Л. Ускова, слесарь-монтажчи П. Шумский ва бетончи Д. Кулага ўртоқлар тўгаракнинг энг актив а'золаридан ҳисобланади. Улар тўгаракка етти йилдан буён қатнашиб келаётирлар.

Ҳозир коллектив Бутуниттифоқ кўригига ашула ва рақслардан ташқари, «Наталка Полтавка» спектаклини ҳам саҳналаштиришга тайёрланмоқда.

И. ЮРОВСКАЯ,
А. МЕЖИКОВСКАЯ.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитетининг иши 25 февральда Лондонда бошланиши муносабати блан Совет ҳукумати СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи ўринбосари А. А. Громикони шу Кичик Комитетга СССРнинг вакили қилиб тайинлади. СССРнинг Буюк Британиядаги Элчиси Я. А. Малик СССРнинг мазкур Кичик Комитетдаги вакилига ўринбосар қилиб тайинланди.

КОММУНИСТЛАР БЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР ХАЛҚ БЛОКИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ

КЕКСА ДЕПУТАТ

Мирзаота ёшлигида отаси блан бирга Турсунхўжабой, Тўхтабой деган кўнчиларникита бориб юрар эди. Отасининг қилаётган ишини кўриб унинг кўзи пишиб бораги ва 14 ёшлаёқ кўнчилик касбини ўрганиб олади. Мирза отасининг оғир меҳнатини, кечқурунлари уйга ҳориб-чарчаб қайтиб келганини кўрганида унга жуда раҳми келади...



Мирзанинг ҳам йигитлик кучи қаймогининг ҳузурини Турсунхўжабой кўрди. Бойларга ва умуман меҳнаткаш халқни эзаётган шахсларга нисбатан ғазаб, нафрат Мирзада ёшлигиданоқ пайдо бўлган эди.

Улуғ Октябрь революцияси миллионлар қатори Мирзажа-га ҳам эркин меҳнат йўлини очиб берди. У, 1928 йили Сталин номли 4-чи кўн заводига ишга киради. Мирзаота 1934 йилгача пардозлаш цехида, 1946 йилгача тери тайёрлаш цехида, ишлади. Бу давр ичида у кўнчилик техникасини ипидан-игнасигача билиб олди. Мирза Шамсиев 1938 йили КПССга а'зо бўлиб киради. Тажрибали ишчи Мирзаотани завод ма'мурияти 1946 йили контролёр-бракёр вазифасига кўтарди.

Ўз иш фаолияти даврида меҳнатсевар Мирзаота кўпгина ёшларга ҳунар ўргатди, уларда ишни пишиқ ва сифатли қилишга кўникма ҳосил қилди. Ҳозир цех бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Ф. Алимов, завод кадрлар бўлимининг бошлиғи В. Обиджонов ўртоқлар ўртоқ Шамсиевнинг шогирдларидир.

Мирзаота Шамсиевнинг ёши 70 га яқинлашиб қолган. Аммо у ҳали тетик. У, Ватан ва халққа қўлидан келганича фойда келтириш иштиёқи блан яшамоқда. Ота ўз ишига мас'улият блан қарайди, жамоат ишларига актив қатнашади. У, самарали меҳнати учун икки марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиги блан, 1954 йилда эса иккинчи марта «Меҳнат Қизил байроқ» ордени блан мукофотланди.

Халқ Мирзаотани 1947 ва 1951 йилларда Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлади. Бу давр ичида у депутат сифатида анча ишларни қилди. яқин 3—4 йил мобайнида 1-чи Оқлон маҳалласи территориясида 5-чи поликлиника очилди, 1-чи ва 2-чи Оқлон маҳаллаларига водопровод келтирилди, 8-чи трамвай охирида саноат моллари блан савдо қилучи универмаг ва озиқ-овқат магазини қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир 8-чи трамвайнинг изини ювкита қилиш ва йўлни асфальтлаш ишлари тамом бўлай деб қолди. Бу ишларнинг ҳаммасида ўз вазифасига садоқат блан қараган, сайловчилар блан мустаҳкам алоқада бўлган Мирзаотанинг ма'лум ҳиссаси бордир.

Мирзаота халқ ишончини оқлаш йўлида жон қуйдириб ишлайди. Ўртоқ Шамсиевга овоз берган сайловчилар ўз депутатларидан мамнунларидир. Шунинг учун ҳам улар отани бу йил яна республикамиз Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатдилар.

Кекса коммунист, Сталин номли кўн заводининг контролёр-бракёри Мирзаота Шамсиев Молотов сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олинган. Ташаббускор, ишчан депутат Шамсиев бу гал ҳам садоқат блан ишлаб, Ватан ва халқ ишончини оқлайди.

С. ХУЖАҚУЛОВА.

НОВАТОР ИШЧИ

Мажит Рўзиматов Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводида 23 йилдан бери ишлаб келмоқда. У, заводга қора ишчи сифатида келган эди. Унга рус мастерлари ҳунар ўргатдилар. У, олдин чўян қуйиш агрегатини ремонт қилишни, сўнг чўян эритиш сан'атини эгаллади. Ўртоқ Рўзиматов фидокорлик блан меҳнат қилиб, завод ишчилари орасида тезда обрў қозонди. У самарали меҳнати учун Иттифоқ ҳукумати томонидан Ленин ордени ва СССР қишлоқ хўжалити машинасозлиги министрлиги томонидан «Социалистик мусобақа а'лочиси» эначоги блан мукофотланди.

Мажит Рўзиматов йигирма йилдан бери вагранщик бўлиб ишламоқда. У, чўян эритишда бой тажрибага эга, мураккаб қуюв процессларини а'ло даражада билади.

Ўртоқ Рўзиматов 1947 йилда Коммунистик партия сафига киради. У новатор ишчи сифатида ишлабчиқариш процессига янгиликлар киритиб туради, ўз мутахассислигини тинмай такомиллаштиради. Бир куни у вагранкага шихта солинаётганда унинг устки деворларининг уваланиб тушаётганини, бунинг натижасида қимматли агрегатнинг эртароқ ишдан чиқишини сезиб қолди. Ўртоқ Рўзиматов вагранканинг устки деворини чўян ғишт блан ишлашни таклиф қилди. Бу таклифнинг амалга оширилиши натижасида вагранкадан фойдаланиш муддати уч баробар ошди.

Тажрибали ишчи Мажит Рўзиматов заводга янги келган кўпгина ёшларга ҳунар ўргатди, уларда техникага муҳаббат уйготди. У, етиштирган ишчи кадрлар бўрин-кетин илғор ишчилар қаторига ўтиб олмоқдалар.

Ҳозир ўртоқ Рўзиматов, сайловолди вахтасида туриб ишлаб, кундалик нормасини ошириб бажармоқда. У, бешинчи бешйиллик плани бажариб, яна кўпимча равишда уч йиллик планни бажариб қўйди.

Ўзининг фидокорона меҳнати блан коллектив ҳурматига сазовор бўлган Мажит Рўзиматовни завод ишчилари Куйбишев район совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатдилар. У, райондаги 70-чи сайлов округидан овозга қўйиш учун рўйхатга олинди. Ўртоқ Рўзиматов сайловчилар ишончини оқлайди.

Г. ДЕМИДОВ,
Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг хизматчиси.

Сайловни пухта тайёргарлик блан кутиб олайлик

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида Советлар сайловига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Умумхалқ байрами — сайловгача саноқли кунлар қолди. Меҳнаткашлар ишлабчиқариш корхоналарида, колхоз далаларида, маданий қурилиш соҳаларида зўр сиёсий кўтаринкилик блан меҳнат қилиб, сайловни муносиб совғалар блан кутиб олмоқдалар.

Сайлов муносабати блан ташкил қилинган агитколлективлар сайловчилар орасида оммавий агитацияни ҳарқачонгидан ҳам қизитиб юборидлар. Ҳозир улар коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатларини пропаганда қилмоқдалар. Участка сайлов комиссиялари ҳам сайловга ташкилий—техника жиҳатидан пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Сталин районидаги мактабгача тарбия педагогика билим юрти биносига жойлашган 46-чи сайлов участкасида (участка сайлов комиссиясининг раиси Т. Алимова) сайловга тайёргарлик намунали уюштирилган. Участка ҳузуридаги агитколлектив дастлабки кунлардан бошлабоқ сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий агитацияни қизитиб юборди, сайловчиларни рўйхатга олиш ишини эса ўз вақтида тамомлади. Сайлов куни яқинлашиб қолиши муносабати блан бу ерда ташкилий техника тайёргарлиги ҳам қизитиб юборилди. Овоз бериш кабинкалари ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилди. Сайлов куни участкада иккита буфет ишлайди ва ёш ҳаваскорлар ижросида концерт берилади. Участкада ёш болали сайловчи оналарнинг болалари учун махсус хона ажратилди, бу хона турли қўғирчоқлар блан та'минланди.

Броқ, райондаги ҳамма сайлов участкаларида ишлар яхши ташкил қилинган деб бўлмайди. Ба'зи участка сайлов комиссияларининг а'золари, агитколлективлар орасида сайловга саноқли кунлар қолишига қарамай, ҳали ҳам хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Район марказий кутубхонасига жойлашган 47-чи сайлов участкаси (раиси А. Морозов, секретари Н. Калугарь)нинг иши талабга жавоб бермайди. Участкада радиоприёмник, телефон йўқ, шу пайтгача овоз бериш кабинкалари ва сайлов қутиларини тайёрлашга киришилмаган. Сайловчилар орасида оммавий-агитация қониқарсиз олиб борилмоқда, агитколлективдаги 30 агитатор сўнгги кунларда тушинтириш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Сайловчилар ҳали ҳам тўла рўйхатга олинмаган.

Сталин район 2-чи участка халқ суди биносига жойлашган 54-чи сайлов участкасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Участка сайлов комиссиясининг раиси Шарапов ва агитпункт мудири Асқархўжаев ўртоқлар сайловчилар рўйхатга олинди, овоз бериш кабинкалари ва сайлов қутиларини тайёрлаб қўйдик деб агитация ва пропаганда ишларига аҳамият бермай қўйганлар.

Бундай салбий фактларни Киров районидаги сайлов участкалари ва агитпунктларда ҳам учратиш мумкин. Физкультура техникуми биносига жойлашган 126-чи сайлов участкасида сайловга ташкилий-техника жиҳатидан тайёргарлик бирмунча дуруст бўлса ҳам броқ, оммавий-агитация ишлари қониқарли эмас. Сайлов участкасида ҳархил оммавий тадбирлар камдан-кам ўтказилди. Агитпунктнинг иш планида кўрсатилган 6 та лекциядан фақат биттаси ўқилган, холос. Бу ерда ёш, биринчи марта овоз беручи сайловчилар учун кеча уюштирилмаган. Агитколлективдаги 93 агитатор хонадонларда тушинтириш ишларини қониқарсиз олиб бормоқда. Улар сайловчилар орасида кандидатларни пропаганда қилмаётирлар. Сайлов участкасига қарашли Белинский кўчасидаги кўпгина уйларда шу пайтгача бирон марта ҳам суҳбат ўтказилмаган. Агитпункт мудири П. Артюшкин сайловчилар орасида тушинтириш ишларини бўшашиб кетганлигига техникумда экзамен бошланиб қолганини баҳона қилиб кўрсатмоқда.

Райондаги 129-чи сайлов участкасида эса сайловчилар рўйхатини текшириш иши ёмон уюштирилган. Агитаторлар бу соҳада жонкуярлик блан ишламаётирлар. 2.278 сайловчининг ярмисигина ўзларини рўйхатдан текширганлар. Шуни айтиш керакки, Киров районидаги кўпчилик сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатини текшириш иши уюшқоқлик блан ўтмаётир. Бу нарса район партия комитети ва ижроия комитети раҳбарларини ташвишлантирмаётир.

Сталин ва Киров районларининг партия, комсомол ва совет ташкилотлари сайловгача қолган ганимат кунлардан унумли фойдаланиб, сайлов участкалари ва агитпунктлар фаолиятидаги камчиликларни тугатиш чораларини кўришлари керак.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
Т. УНАБОЕВ.
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг рейд бригадаси.

Ерни чигит экишга юқори сифатли тайёрлаш учун барча тадбирларни тўла амалга оширайлик!

Пискентда пахта ҳосилини ошириш учун барча имкониятлар бор

Пискент райони ўтган йили давлатга 9 минг тонна кам пахта берди, пахта ҳосили гектарига 1,5 центнердан камайтириб юборилди. Шверник номли, «XIX партс'езд», Ворошилов номли колхозларда ҳосил миқдори айниқса озайиб кетди.

Районда трактор ишлари плани бажарилмай қолди, 200 та пахта териш машинасининг ҳарбири 9 тоннадан пахта териб, топшириқ бажарилмади. Ғўза парваришида янги, прогрессив агротехникани жорий қилиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Колхозларда чигит торқаторли қилиб экилган майдондаги ғўзаларни парвариш қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ваҳоланки, райондаги илгор бригадалар бу янги тадбирни амалга ошириб, яхши натижаларга эришдилар. Калинин номли колхозда ўртоқ Ҳаким Қодиров бошлиқ бригада торқаторли қилиб экилган майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олди, Молотов номли колхозда ўртоқ Душанов бошлиқ бригада ҳам гектаридан 26 центнердан пахта етиштирди. МТС агрономлари янги, прогрессив агротехника методларини жорий қилишда изчиллик билан иш олиб бормоқдалар.

Кекса пахтакорлар нима дейдилар

Пахтачиликда йўл қўйилган нуқсонларнинг асосий сабаби қаерда? Бу саволга тажрибали кекса колхозчилар жуда ўринли, ҳаққоний фактлар билан жавоб берадилар.

Яқинда район партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Латипов Муротали қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозга бориб қолди. Колхознинг 3-нчи бригадасида колхозчилар 1955 йилги ишлар тўғрисида суҳбатлашиб ўтиришарди. Суҳбатга райком секретари ҳам аралашди.

Райком секретари колхозда пахта тайёрлаш планининг бажарилмаслигига сабаб бўлган хатоларни тузатиш учун қилинадиган зарур ишларни кўрсатиб ўтди.

— Тўғри, — дея гап бошлаш бир мўйсафид, — лекин бизнинг ҳам ба'зи мулоҳазаларимиз бор. Мана мен 50 йилдан бери пахтачилик билан шуғулланиб келаман. Биз бу соҳада партия ва ҳукуматимизнинг тинмай ғамхўрлик қилаётганликларидан миннатдормиз. Оғир ишимиз енгил бўлмоқда, машиналар бизнинг хизматимизда, булардан жуда миннатдормиз. Лекин давлатимизнинг ғамхўрлигига, бераётган ёрдамига яраша ҳосил етиштираётганимиз йўқ, ундан қарздор бўлиб қолмоқдамиз. Тўғри, бизда ҳам айб бор, лекин...

Ота масаланинг «лекини»ни айтмай, бирдам жим қолди. ва ниҳоят гапида давом этди.

— Тажриба билан илм бирлашса, иш ҳамавақт баракали бўлаберади. Бу йил нима бўлди денг, уста билимдон кўпайиб кетди, ер ҳайдалмаган эди, чигитни кеч экдик, ғўзамиз ёш бўлиб қолди. Айни кўсак пўлишаётган пайтда «сув тўхтатилсин» деб буйруқ беришди. Шунча айтсак ҳам, бизники ма'қул бўлмади, ҳатто «ғўзани суғорибсан» деб райкомга ҳам чақиришди. Бунинг устига ғўза баргига дори сепишда ҳам хатоликларга йўл қўйилди. Натижа нима бўлди денг, планимиз 53 процентда қолди, ярим ҳосилни йўқотиб қўйдик. Менимча, агрономлар ҳамма экинларни кўриб чиқиб, ҳарқайси пайкалдаги ўсимликнинг ҳолатига, ер шароитига қараб, ишнинг кўзини билиб топшириқ беришганда анча дуруст бўлар эди.

Чиндан ҳам Ворошилов номли колхоз кексаларининг э'тирози ўринли. Бундай аҳвол биргина бу колхозда эмас, райондаги бошқа колхозларда ҳам содир бўлди. Агрономлар ёки район раҳбарлари кекса, тажрибали пахтакорлар маслаҳатига э'тиборсиз қарадилар, агротехника янгиликлари илғорлар тажрибаси блан боғлаб олиб борилмади, бу эса ҳосилга жиддий зиён етказди.

Хатолар э'тироф қилинди-ю, иш битдими?

Ўтган йили пахтачилик соҳасида йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Яқинда бўлиб ўтган район партия конференциясида ўртоқ Латипов пахтачиликда йўл қўйилган хатоларни э'тироф этди. Бошқа раҳбарлар ҳам — МТС директори Капагун, районнинг зона секретарьлари Усмонов, Саидхўжаев ва бошқа ўртоқлар ҳам «хатоларга йўл қўйдик», деб айтмоқдалар, бундай сўзларни колхоз раҳбарларининг кўпидан эшитасиз.

Йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишларида колхоз раислари докладни: «Биз хато қилдик, раҳбарлик бўшашиб кетди...» деб бошлайдилар. Хўш, бу хатолар амалда қандай тузатилмоқда? Раҳбарларнинг сўзи блан амалий иши ўртасида катта фарқ бор. Мана фактлар: Районда суғориш тормоқларини тартибга солиш, ариқ-зовурларни тозалаш юзасидан каттагина ҳажмда иш бажарилиши керак. Февральгача ариқ-зовурларни тозалаш 9 процент бажарилди, холос. 168286 кубометр гўпроқ ишларидан эндигина 4,5 минг кубометри бажарилди. Бу ишга айрим колхоз раҳбарлари бепарволик блан қарамоқдалар. Андреев номли колхозда ирригация ишлари плани 1,2, Ленин номли колхозда 4,5, Сталин номли колхозда 5,5 процент бажарилди. Бу колхозларнинг раҳбарлари Рустамбеков, Ҳайдаров, Тожибоев ўртоқлар ёз фаслида: «сув етишмайди» деб шикоят қилишни яхши кўрадилар, аммо шу кунларда суғориш тормоқларини тозалаш ишига а'тибор бермайдилар.

1955 йилда янги агротехникани жорий қилиш планлаштирилди, қарийб ҳамма майдонда чигит торқаторли қилиб ёки квадрат-уялаб экилади. Бу янги, прогрессив агротехника усулини амалга ошириш учун тайёргарлик ишлари қандай бормоқда? Бу соҳада МТС ҳал қилучи куч-лир. Ўртоқ Капагун директор бўлган 1-нчи МТСга қарашли 17 «универсал» даладан МТСга келтирилгани йўқ. Торқаторли қилиб экиладиган сеялкаларнинг 25 таси тайёр эмас. «Универсал» тракторларни торқаторли қилиб ишлашга мослаш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ҳар куни «у етишмайди, бу етишмайди...» деб жар соладилар-у, бор имкониятлардан фойдаланиб, ремонт сур'атини тезлатмайдилар. 56 трактор қайтадан ускуналангани йўқ.

Шу кунларда МТС паркига кирган киши ишнинг қай аҳволда эканлигини равшан кўради. Ремонт ишхоналарида гартиб ўрнатилмаган, ремонтчи ишчилар ва тракторчилар учун яхши шароит яратилмаган, ремонт ишлари графиги аниқ эмас.

МТСнинг кўкламга тайёргарлик ишларидаги ташкилотчилик роли далада ҳам кўринмайди. 1-нчи МТСда 39 трактор «далага чиқарилган» деб ҳисоблайдилар, амалда эса бу тракторларнинг кўпи ишламай тўхтаб ётипти.

Трактор паркидан фойдаланишдаги бундай тартибсизлик ер ҳайдаш ишларининг кечикишига сабаб бўлаётир.

Ерни ҳайдашдан олдин ўғитлаш муҳим агротехника тадбиридир, лекин бу ишга ҳам бепарво қарамоқдалар. Эндигина 2506 гектар экин майдонига ўғит сепилди, 5,5 минг гектардан ошиқ ҳайдалган ерга ўғит сепилгани йўқ. Маҳаллий ўғит жамғариш ва далага чиқариш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилди, район бўйича 3368 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди деб ҳисоблайдилар, аслида эса бу кўз буямачиликдан иборатдир. Андреев номли колхозда эндигина 18 тонна ўғит чиқарилипти, Охунбобоев номли колхозда 48 тонна, «XIX партс'езд» колхозида 41 тонна, Карл Маркс номли колхозда эса 39 тонна ўғит чиқарилган, холос.

Пискент районида алмашлаб экишнинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бу йил ҳам ўтган йилги хатолар такрорланмоқда, 1,5 минг гектардан ошиқ ерга беда экиш керак. Аммо бу ишни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар кўрилмаётир. Район колхозларида уруғлик етишмайди.

Бу йил қиш фаслида ёғингарчиликнинг кам бўлиши натижасида тупроқдаги нам камайиб кетмоқда. Шунинг учун ерга запас сув бериш керак. Район колхозларида бу тадбир ҳам мутлақо қониқарсиз аҳволда амалга оширилаётир.

Пискент районида кўклам дала ишларига тайёргарлик ҳаддан ташқари сust бормоқда, район, колхоз раҳбарлари «хатоларни тузатамиз» деб оғизларига айтмоқдалар, бу ва'даларни амалий иш блан мустаҳкамламайдилар. Районда агротехниканинг янги, прогрессив методларини тўла амалга ошириш учун тайёргарлик ишлари талабга сра жавоб бермайди. Бу янги усулни кенг пропаганда қилиш иши блан район партия комитети ҳам, МТС ҳам шуғулланмаётир. Районда пахтачиликни янада юксалтириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд, моддий-техника базаси етарли. Вазифа, ва'дабозликдан, иштма-кет кенгашлар ўтказишдан қутулиб, амалий ишга ўтишдан иборатдир.

Т. ОРИПОВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТС механизаторлари техникани янги усулда ишлашга мослаштириш ва бу ишни муваффақиятли бажариш учун ғайрат блан ишламоқдалар. Ҳозир МТС устахонасида сўнгги универсал ва культиваторлар мослаштирилаётир. МТС коллективи «универсал»лар ва тракторларни юқори сифатли ремонт қилиб ва уларни янгидан ишлашга намунали мослаштириб бу йил чигит экишни муваффақиятли ўтказиш режаларини тузмоқда. **Суратда:** бригада механиги **Д. Мусофиров** ва тракторчи **С. Мустафоев** ўртоқлар «универсал»нинг қандай мослаштирилаётганлигини кўздан кечирмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Ирригация-мелиорация ишлари кечиктирилмоқда

Ирригация-мелиорация ишларини муваффақиятли ўтказиш — қишлоқ хўжалик экиндиларидан мўл ҳосил етиштириш гаровидир. Лекин, ана шу ғоят муҳим ва ҳал қилучи ишга Бекобод районидаги колхозларда етарли э'тибор берилмаётир. МТС, колхоз ҳамда совхоз раҳбарларининг айби блан ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ниҳоят даражада кечиктирилмоқда.

Ирригация-мелиорация ишлари Калинин қишлоқ Советидаги Будённий номли колхозда сust бораётир. Колхозда кўкламги дала ишлари бошлангунча 28.980 кубометр ҳажмда ариқ-зовурлар тозаланиши керак эди. Лекин шу кунгача бир кубометр ҳам ариқ-зовур тозаланган эмас. Худди шундай фактлар Ворошилов номли колхозда ҳам ҳукм сурмоқда. Бу ерда ҳам планда белгиланган ирригация-мелиорация ишларининг энди 25—30 процентигина бажарилган.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда Далвазин сув хўжалик бошқармасининг инженери ўртоқ И. Петрович ҳам бу ишни кечикиб кетишига тоқат қилиб келмоқдалар.

Ирригация-мелиорация ишларини ўз вақтида ўтказиш учун барча имкониятлар бор. Ундан унумли фойдаланиш лозим.

А. ЗҲСОНОВ.

Запас суғоришга алоҳида э'тибор берайлик

Областимиз колхозлари бу йил чигитни асосан ораси 60 ва 45 сантиметрли тор қаторларга экадилар. Фақат озгина майдондагина чигит ораси 70 сантиметрли қаторларга экилади.

Бундан ташқари анчагина майдонда ғўза квадрат-уялаб жойлаштирилади ва қатор оралари икки томонлама ишланади. Чигитни янги усулда экиш пахта етиштириш агротехникасини тубдан ўзгартиришни, айниқса ғўзанинг сув ҳамда озиқланиш режимини тартибга солишни талаб этади.

Академик Т. Д. Лисенко 1954 йилда Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг пахтачиликни ривожлантириш масалалари юзасидан чақирилган сессиясида сўзлаган нутқида олимлар ва агрономларимиз олдига ғўзани мақсадга мувофиқ парвариш қилиш, бунинг учун унга энг қулай сув ва озиқ шароити яратиб бериш, шу йўл блан кўсакларнинг эрта очилишига эришишни тавсия қилган эди.

Буни бажаришнинг муҳим шартларидан бири чигит суви беришдан бутунлай воз кечиш, чигитни ернинг табиий нами блан эрта ва қийғос ундириб олишдан иборатдир. Шу блан бирга ғўзани ўсув даврида биринчи суғоришни қай маҳалда ўтказиш масаласи ҳам тўғри ҳал этилиши керак.

Академик Т. Д. Лисенко, ғўзанинг ғовлаб кетиши ва пахта ҳосилини кеч етилишининг сабаби ўсув давридаги биринчи суғоришни эрта муддатларда ўтказиш ва ерни ортиқча намлаб юборишдан иборат деб кўрсатади. У, биринчи суғоришни бирмунча кейинга суриш, масалан, сизот сувлари чуқур турган ерларда биринчи суғоришни ғўза ялпи шоналай бошлаган даврда, сизот сувлари юза турган бўз-ўтлоқ тупроқли ерларда ғўза гуллайбошлаган пайтида ўтказишни тавсия этади.

Тожикистон пахтакорлари, шунингдек областимиздаги кўпгина колхозларнинг, жумладан Оржоникидзе районидаги Маленков номли, Янгийўл районидаги Ворошилов номли ва бошқа колхозларнинг тажрибаси Т. Д. Лисенко кўрсатмасининг тўғрилигини тасдиқлади. Бу колхозлар 1954 йилда ғўза ўсув давридаги суғоришларни, айниқса биринчи суғоришни ғўзанинг талабига қат'ий риоя қилган ҳолда ўтказиб ҳамма ерда кўсакларнинг эрта очилишига ва ҳосилни мўл бўлишига эришдилар. Натижада улар пахтанинг асосий қисмини отбор ва биринчи сортга топширдилар ва катта даромад олдилар.

Чигитни эрта ва қийғос ундириб олиш ва биринчи суғоришни ғўзанинг шоналаш даврига суриш учун ерда ўсимликнинг нормал ривожланишини та'мин этадиган даражада нам запаси бўлиши керак. Бироқ куз-қиш даврида ёғингарчилик кам бўлди. Натижада сизот сувлари чуқур турган ерларда, айниқса Бекобод, Ҳовос каби сершамол районларда тупроқдаги нам анча қочган. Прогнозга қараганда февраль-март ойларида ортиқча ёғингарчилик кутилмайди. Бу ҳол чигитни эрта ва қийғос ундириб олишнигина эмас, балки ғўзанинг кейиндан ривожлантиришда ҳам анча қийинчиликка сабаб бўлади. Табиий, бундай шароитда туп қалинлиги тўла бўлмайди, ҳосил ҳам камаяди. Чигитни тўла ундириб олиш ва ғўзанинг шоналаш давригача нормал ривожланишини та'мин этиш учун ҳозирги кунларда сизот сувлари юза турган бутун пахта майдонларини беда ва бошқа эртаги экинлар экиладиган ерларни суғориб ерда нам запаси ҳосил қилиш керак. Бунда биринчи навбатда чигит квадрат-уялаб экиладиган ерлар суғорилиши зарур. Шунингдек, ҳайдалган ва ҳайдалмаган ерлар ҳаммаси суғорилаверади.

Запас суғоришда сув далага шўр ювишдагидек қўлламай бостирилмайди, балки эгатлар орқали қўйилади. Агар ер ҳайдалмаган бўлса суғоришда бултурги экиндлар эгатидан фойдаланилади. Лекин ер ҳайдалган бўлса, уни запас суғориш учун 1, 2—1, 4 метр оралиқ блан эгатлар очилади. Шу блан бирга эгатларга сувтараш учун канавакопатель блан ўқариқлар ҳам очилади.

Запас суғоришда сувни далага қўллатиб бостиришга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Лекин ҳар гектар ерга 1200—1500 кубометр сувсингириш шарт.

Айрим колхозларнинг раҳбарлари ва агрономлар ҳозирги кунларда запас суғоришни кенгайтириш ўрнига бу ишни чигит экиш олдидан ерни суғориш блан алиштирмоқчи бўлмоқдалар. Лекин бунга мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас.

Запас суғоришни экиш олдидан ўтказиладиган суғоришдан фарқи шуки, бу суғориш куз ва қиш даврида ўтказилиб, кўклам дала ишлари бошланишидан 15—20 кун илгари тугалланади. Чигит экиш олдидан ўтказиладиган суғориш эса кўклам дала ишлари даврида ўтказилади ва чигит экишга камида 10 кун қолганида тугалланади.

Запас суғоришнинг афзаллиги шундан иборатки, бунда суғоришдан кейин тушадиган ёғинлар та'сирида тупроқнинг намланиши ва етилиши бир текисда бўлади. Натижада ер ҳайдалганда ёки чигит экишга тайёрланганда тупроқ бир текисда ишланади. Чигит экиш олдидан суғоришда эса, ернинг текис намланмай қолиши ва тупроқнинг яхши ишланмай, айрим ҳолларда кесаклар кўпайиб кетиши мумкин. Натижада чигит сифатли экилмайди ва унинг қийғос униб чиқиши ҳам қийин бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳозир ҳамма майдонларда запас суғоришни ҳартомонлама кенгайтириш, бу тўғрида берилган топшириқни 15 мартгача бажариш керак. Фақат сувни тез ўтказиб юборадиган енгил тупроқли ерларда, шағал қум қавати 1 — 2 метр чуқур турган оғир тупроқли ерларда, шунингдек, қаттиқ шамоллар бўлиб турадиган ерларда (Ховос райони ва Бекобод районидаги 2-нчи МТС зонасида) запас суғоришни март ойи охиригача чўзиш мумкин.

Ердаги намнинг бўғланмаслиги учун суғорилган ерлар етилиши блан даланинг узунаси ва кўндалангига қаратиб бороналаниши лозим. Худди шу мақсадда ҳарбир ёғиндан кейин ҳам далани бороналаш керак.

Запас суғоришни ўз вақтида ҳамда сифатли қилиб ўтказишни та'минлаш учун колхозларнинг раҳбарлари, агрономлар, гидротехниклар суғориладиган ерларни биргаликда ажратишлари ва суғориш навбатини белгилашлари, суғоришни уюштиришлари лозим.

Барча колхозлар зарур бўлган ерларда запас суғоришни ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказишлари, чигитни қийғос униб чиқиши учун мустаҳкам замин яратишлари керак.

Аграном **Н. ТРИГУЛОВ.**

Иброҳим ЖАЛИС

Озод қул

Иброҳим Жалис — прогрессив ҳинд ёзувчиси. Унинг асарлари Ҳиндистоннинг бирлиги, миллий мустақиллиги учун курашга бағишлаган.

ҲИКОЯ

I

Шакиран — бобу Дин Муҳаммаднинг хотини — бугун эрталабдан бери уй йиғиштириш блан овора эди. Севинчи ичига сиғмаган Шакиран уйда ғивирсилаб юрар, нарсаларни йиғиб-терар, тахлар ва жойлар экан, шўх бир қўшиқни куйлар эди.

Шакиран ўнсаккиз йилдан бери истиқомат қилиб келишган мана шу кўҳна, яримхароба уйни ниҳоят бугун тарк этамиз, деб қувонар эди. Ўнсаккиз йил давомида ўз уйимизни қуриб олайлик, иморатга бўлақолсин деб ҳарбир пайсани ҳам тежар эди. Мана энди уй битди Шакиран эрини қутаётир. У қоронғу тушгунча арава олиб келиши ва хотини блан қизини янги уйга кўчириб кетиши керак.

— Жуда чарчадингми, қизим? — меҳрибонлик блан сўради Шакиран. Қиз шу қадар чарчаган ва хомуш кўринар эдики, онанинг унга раҳми келди. — Зиёни йўқ, бироз дамингни олақол, кейин нарсаларни йиғиштиришиб юборарсан. Ҳали — замон даданг келиб қолади, биз эса ҳали ҳеч нимани йиғиштираолмадик, тағин даданг хафа бўлмасин. Қоронғу тушгунча янги уйга албатта кўчиб боришимиз керак, кечасига қолсак яхши бўлмайди-да. Мен жуда чарчадим. Бир амаллаб қоронғу тушгунча шу уйдан чиқиб олсак бас, у ерга етиб олсак буюмларни саранжомлаб олармиз.

Шакиран ўзлари қурган янги уйга кўчаётганлари учун жуда қувонар ва фахрланар эди. Қувонмай ҳам бўлармиши? Ахир одамлар ўз уйларига ҳар куни кўчмайдилар-ку! Шакиран қизининг дардидан хабарсиз эди, чунки Фахиран онасига сирини очмаганди. У ёввош ва сирбойбермас қиз эди. Фахиран бу уйдан кўчаётиб, қувониш ўрнига қайғуга ботарди. Албатта улар ижарага турган уй эски қулай-қулай деб турарди; лекин бу уйнинг битта дарчаси бўлиб, бундан қўшни ҳовлининг деразаси бемалол кўриниб турарди; у деразада эса одатда 15-нчи Панжоб полкининг сержанти, баланд бўй, қомати келишган, сочи қопқора йигит — Сардор Муҳаммаднинг юзи пайдо бўлиб турарди. Фахиран мана шу сержантга эширинча кўнгил бериб қўйган эди. Бироқ буни ҳеч ким билмасди, қаёқдан ҳам билиши мумкин — ахир кўнгил ҳамавақт эширинча берилади-ку. Фахиран буюмларни йиғиштираркан, қўшни ҳовлининг деразасига қараб-қараб қўярди, — бироқ афсуски! — дераза ёпиқ. Сардор Муҳаммад навбатчиликда эди. Бу дераза одатда кечқурун, соат бешдан кейин очиларди. Оҳ, қани энди бугун у вақтлироқ келса-ю, Фахиран охирги марта уни кўрса!

Уй олдига учта арава келиб тўхтади. Бобу Дин Муҳаммад уйга кирди. У шу маҳалгача нарсаларнинг йиғиштирилмаганлигини кўрди-ю, хотинини қойиб кетди.

— Нима гап ўзи, мунча ҳовлиқмасангиз? — ҳайрон бўлди Шакиран.

Бобу Дин хотинининг гапини эшитиб, тутоқиб кетди:

— Овозингни ўчир! Тезроқ қимирласанг-чи, ахир. — У тугиб қўйилган кўрпа устига ётиб олди-да, чекабошлади.

— Ётгандан кўра, — деди Шакиран ёзғириб, — менга бироз қарашсангиз-ку.

Бобу Дин жаҳл блан ўрнидан сапчиб турди.

— Жим бўласанми, йўқму! Э худоей! Қандай кунга қолдим, асти. На ишда ҳаловат бор, на уйда! Қаерга борсанг, бошинг ғалвадан чиқмайдия!

Шакиран ҳайрон бўлиб эрига қаради-да, жим бўлади. У шу пайтгача Бобу Дин мўмин — қобил, вазмин ва қаноатли киши деб юрар эди. Улар бирга умр кечираётганларидан буён ўтган ўн саккиз йил давомида ўрталарида бор-йўғи бир-икки арзимайдиган жанжал бўлиб ўтган, лекин уларнинг қандайдир сабаблари бор эди, бугун эса ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, бирдан тутоқиб кетди!

Бироқ Шакиран ранжимади: бугун нақадар ажойиб кун, ахир бугун улар янги уйга кўчишадиган кун. У, ўн саккиз йилдан бери шу кунни кутар эди! Шакиран юрагининг бир бўлагини ўз мулклари бўлган ва ўзи тўла эгалик қиладиган уйга берган эди. Эрининг жаҳлига парво қилмай Шакиран йиғиштиришда давом этди, лекин унинг кўнгли ғаш эди. Шакиран оиламиз учун тантанали бўлган шундай кунда бобу Дин нимадан хафа, норози бўлиб келган экан деб хайрон ва безовта бўларди; оҳ, ахир бу ёмон нишона-ку!

Иккита аравага мебель буюмлари ортилган, учинчисига эса қолган кўчни юклаб бобу Дин чиқиб олган эди. Фахиран Сардор Муҳаммаднинг ёпиқ деразасига охирги марта тикилди, кўзлари ёшга тўлди, бироқ, у ўз дарчасини тез ёпиб олди. Қиз севги деразасини умрбод ёпган, ўзининг орзу-умидлари блан мангуликка ҳайрлашган эди. Шакиран қизининг кўзларидаги ёшни қарсалди хайрон бўлди, ранжиди, чунки кўз ёш ҳам ёмон аломат-да.

Улар янги уйга яқинлашган сари бобу Дин Муҳаммаднинг чиройи тобора очилиб борарди. Фахиранинг гўзал, шаҳло кўзларидаги ёш қуриган, энди у қувонч блан жилмаяр эди. Шакиранинг кўнгли ҳам тамоман таскин топди. Кўнгилни ғаш қилиб турган оғир ғам тарқалди.

Бобу Дин Муҳаммад клерк — ўртоқларига бугун ўзининг янги уйига кўчишини айтганида, хат ташучи клерк Картар Сингх захарханда блан илжайиб:

— Бобу Дин-соиб, уйингни порахўрлик сароби деб атарсан, тўғри эмасми, а? — деб қўйган эди.

Идорадаги одамларнинг ҳаммаси ҳахолаб юборди. Бобу Дин Муҳаммад шу қадар жаҳлландики, ҳатто ўзининг клерклар бошлиги, клерк Картар Сингхнинг атиги хат ташучи эканлигини ҳам унутди. Шуни айтиш керакки, бир-икки кун илгари Картар Сингх бобу Диннинг янги уйини кўрган ва унинг кўнглида ёвуз ҳасад уйғонган, ҳозир у, очиқдан-очиқ жанжал чиқаришга уринаётган эди.

— Ҳа, мен шу уйнинг пора блан қурилганлигини исботлайоламан, — деди Картар Сингх, — бўлмаса айтинг-чи, муҳтарам клерклар бошлиги ўнбир минг рупия турадиган иморатни қандай қуриб олди? Бу иморатнинг ҳалол пулга қурилганлигига ким ишонарди?

Бироқ Картар Сингх ҳақ эмасди.

Ҳақиқатда ишнинг бундай бўлган эди. Эҳтиётқор Шакиран ўн саккиз йилдан бери эрининг маошини тежаб-тергаб сарфлар, ҳарбир нарсадан бир-икки пайса ортириб қолар, энг зарур буюмларни олишдан ҳам воз кечарди. Уйидаги озгина нарсаси блан кифоялланган Шакиран ўзига ҳам, эрига ҳам кийим-кечак олмас, оилада бирор нарса сотиб олинса, у ҳам Фахиранга мўлжалланар ва унинг сепига аталар эди. Уларнинг энг эзгу ниятлари Фахиран учун яхши уй қуриш эди... Мана энди уй ҳам қурилди.

Лекин Картар Сингх қўшниларни йиғиб келди. Улар шовқин-сурон кўтаришди:

— Порахўр! Уйни порага қуриб олган! Порахўрнинг уйига қаранг!

Шакиран дугоналари, қўшнилари ва қариндош-уруғлари — ҳамманинг келиб ўзи қурган уйни тамоша қилишларини, уларнинг завқланишини ва унга ҳаваслари келишини бутун қалби блан истар эди. Ниҳоят, у хотинлигига борди: у, янги уйда зиёфат қилиб, унга дугоналари ва қариндош — уруғларини таклиф этишни истар, ҳатто бу кечанинг планини ҳам пишитиб қўйган эди...

Бобу Дин Муҳаммад уйнинг фасадига: «Фахиранинг уйи, 1946 йил» деган сўзларни ўйиб ёзиб қўйди. Картар Сингх бўлса ҳамон тинчимади. У бобу Динга қарши кайфиятдаги кишилар блан бирликда уй атрофида ўралашиб юрар ва ҳамон:

— Порахўр! Порахўр! Порахўрнинг уйи! — деб қичқирарди.

Янги уйнинг бирнеча деразаси бўлишига қарамай, уларнинг бирортасидан ҳам Сардор Муҳаммаднинг деразаси кўринмасди, шунинг учун ҳам Фахиран ғамгин, ҳам ғаш ва иқдамсиз бўлиб қолган эди. Шакиран қизига ташвишли назар ташлар ва янги уй ҳам унинг кўнглини очаолмаётганига ҳайрон эди. Қачон қарасанг — чурқ этмайди, қайғирганми-қайғирган. Шакиран узоқ ўйлади-да, охири шундай қарорга келди: Фахиран ўн олтига кирди, қизлар ўн олти ёшга тўлганда эса...

Бир куни Шакиран эрига бундай деди:

— Қизимиз ўн олтига кириб қолди. Икковимиз ҳам борадиган жойга бориб қолдик, менинг яккаю-ягона тилагим Фахиранинг яхши ва муносиб киши блан турмуш қуришини кўриш. Ундан кейин ўлсам, армоним йўқ.

Ота-она қизларини «Сетх Прем Натх ва унинг ўғли» деган автомобиль устахонасининг хизматчиси, муносиб йигит — Шер Муҳаммадга беришни мўлжаллаб юришарди. Фахиран ота-онасининг эрга бериш истагини билиб қолгач, аччиқ-аччиқ йиғлайбошлади:

— Шер Муҳаммад! Шер Муҳаммад, лекин Сардор Муҳаммад эмас, 15-нчи Панжоб полкининг сержанти эмас, балки автомобиль устахонасининг хизматчиси, холос!

— Жон қизим, — уни юпатабошлади она, —кўй йиғлама, нима кераги бор, қизим, — она қизининг бошини меҳрибонлик блан силади. — Сен мана шу уйда яшайсан. Бу уй сенга, у сеники ва эрингники бўлади... Нега йиғлайсан, жонгинам!

Бироқ Фахиран йиғлайберди. Ахир унинг сирини ҳеч ким билмасди-да: у ўзининг Сардор Муҳаммадини умрбод унутиши ва Шер Муҳаммаднинг хотини бўлиши керак эди.

...Келин блан куёвни табриклаш учун тўйга келганлар жуда кўп бўлди, лекин уларнинг ичида Сардор Муҳаммад йўқ эди, у қандай қилиб ҳам келарди? Фахиран энди уни кўнглидан умрбод чиқарган эди.

II

Мана энди бобу Дин Муҳаммад блан хотинининг эзгу орзуси ушалди. Улар умр бўйи интилиб келган мақсадларига етдилар. Ҳамма ғаму-ташвишлар орқада қолди, энди улар дам оладиган, қолган умрларини фароғатда ўтказадиган вақт келди. Иморат битди, қиалари эрга чиқди, орзиқиб кутилган ором олиш пайти етди.

Бобу Дин Муҳаммад олтмиш бешга тўлган киши бўлиб, пенсияга чиқишни ва қолган умрини беташвиш ўтказишни орзу қиларди. Ҳа, бунинг устига Шер Муҳаммад ҳам—ажойиб, меҳнатсевар йигит! У, «Сетх Прем Натх ва унинг ўғли» деган автомобиль устахонасинг бошқарувчиси бўлиб ишлар ва ойига икки юз эллик рупия оларди.

Шер Муҳаммад хизмат қилаётган идорасининг ишлари блан Дели, Мадрас, Калькутта, Бомбай ва бошқа шаҳарларга тез—тез бўлиб турарди. У кўпинча Фахиранга катта шаҳарларни кўрсатиш учун уни ўзи блан олиб кетарди. Бу гал эса у, Калькуттага жўнаб кетатуриб, нима учундир Фахиранни бирга олиб кетаолмаган, лекин ўн беш кунда қайтиб келишига ва'да берган эди.

Бироқ у анча эрта қайтиб келди.

—Биласизми, ойи, —Шакиранга гапирабошлади у, —Фахиранни бирга олиб кетмай жуда яхши қилган эканман! Шаҳарда ғалаён, мусулмонлар блан ҳиндулар ўртасида тўқнашувлар бошланди. Мен кўнган Маник—Тола кўчасида ҳам киргин бўлди. Ҳамма нарсани ташлаб станцияга қочишга тўғри келди. Платформада ўликларга дуч келдик. Ҳуллас, зўр машаққат блан жонимни ҳовучлаб у ердан чиқиб олдим.

Шер Муҳаммад жонини сақлаш учун Калькуттадан қочди, лекин қонли воқиалар уни изма—из та'қиб қиларди.

Деҳлидан бор-йўғи бирнеча миля масофадаги Амбал шаҳрида эрталабки саот тўртдан киргин бошланди.

Шер Муҳаммад даҳшат ичида уйга кирди.

—Дарҳол бу ўйни ташлаб кетиш керак, —ҳаяжон блан деди у.—Мусулмонларнинг ҳаммаси Покистонга қочаётир. Бир минут ҳам кечикиш мумкин эмас! Дарҳол қочиш керак, нарсаларни тезроқ йиғиштиринглар!

Унинг гапини эшитган қайинона телбалардек қичқирди:

—Йўқ! Ҳечқачон! Бу — менинг уйим. Мен ҳечқаёққа бормайман. Мен бу уйни қуриш учун ўн саккиз йилдан бери пайсалаб пул йиғдим. Энди бўлса сен ҳаммасини ташлаб кет, дейсан... Мен ҳечёққа бормайман, қизимни ҳам юбормайман! Ўзинг қочабер! ҳамиз очиқ!

Шер Муҳаммад ювдираб қолди.

—Айижон, сизни қандай кўндирсам бўлади? Вақт ўтаяпти, тушунсангиз—чи, ахир, бизга катта хавф таҳдид қилаётир.

Худди шу пайтда бобу Дин Муҳаммад чопиб келди-да, даҳшатдан бўғилиб-бўғилиб қичқирди:

— Қочамиз! Тезроқ нарсаларни йиғиштиринглар, энг зарурларингина олинглар, қолганларининг ҳаммасини ташлаб кетинглар! Тезроқ! Тезроқ! Отланинглар!

Шакиран ҳудди тилсиздек бўлиб қолди.

— Бақирман ! — қичқирди у бирдан. — Эсингизни еднгизми! Мен ҳечқаёққа бормайман! Уйимни ташламайман. Мен уни қуриш учун ўн саккиз йил пуҳ йиғдим! Мен ҳечқаёққа бормайман. Ўзингиз кетақолинг, лекин мен бормайман. Бу менинг уйим! — Шакиран йиғлаб юборди.

(ДАВОМИ БОР).

Тошкентда Молдавия ССР халқ рақслари ансамблининг концертлари муваффақият блан ўтмоқда. Тошкент меҳнаткашлари музика раҳбари ва дирижёр Ш. Аранов, бош балетмейстр Т. Израилов раҳбарлигидаги бу ижодий коллектив ижросидаги молдаван, рус ва бошқа халқларнинг рақсларини зўр қизиқиш блан тамоша қилмоқдалар.

Суратда: Ансамбль коллективи «Логода» рақсини ижро этмоқда.

Н. Меламед фотоси.

ҚИЧИК ФЕЛЬЕТОН

Маҳалланинг „эркатойи“

Шароф Хўжаевлар оиласида тўй. Базм авжига чиққан. Шу пайт кайфи «ошиб» қолган маҳалланинг «эркатойи» ўрнидан турди-да, э'тибори тамошага қаратилган қизлар тўдасига ўзини урди.

— Мен... Мендан чўчиманглар қизлар, — деди у лаби-лабига қовушмай. — Муҳаббатим жўш... жўш уриб кетди.

«Эркатой»нинг бу қилиғидан норози бўлган қизлар гур этиб, ўзларини бошқа томонга олдилар. «Эркатой» бўлса ўз хиралигини кўймади. У писиб бориб, қизлардан бирининг билагидан ушлади:

— Муҳаббатим жўш..

— Қўлингизни тортинг... уятсиз!!! — деди йиғи аралаш хаёжонланган қалиги қиз ва аранг «эркатой»нинг қўлидан қутилиб, ўзини четга олди.. Аммо «эркатой» унинг кетидан гандираклаб борди-да, яна тегишабошлади:

— Муҳаббатим жўш...

Қиз йиғлаганча ўз ҳовлисига кириб кетди. Уни ҳовлида онаси Хосият хола Жалилова кутиб олди:

— Ҳа қизим, нима гап? — ҳайрон бўлиб сўради она.

— Маҳалла комиссиясининг раиси менга... менга... — дедию ўпкасини тутиб олалмай йиғлайберди.

Бу қиз эндигина 15 ёшга қадам қўйган, 7 синф ўқучиси Ма'суда Тиллаева, «эркатой» бўлса. Октябрь район Жар-ариқ кўча, 12-нчи маҳалла комиссиясининг раиси Аҳад Вэлиев эди.

Эртаси куни бундай ҳақоратланишга чидаолмаган Хосият хола Аҳаднинг хотини Манзуранинг олдига чиқди ва бор гапни унга тушинтирди.

— Кечирасиз, холажон, — деди хафа бўлган Манзура, — мен унга айтиб қўяман...

Кечки пайт. Аҳад маҳалла комиссиясининг секретари Қобил Содиқов ва яна нома'лум икки шахс блан ўз уйига кириб келди. Манзура кечаги воқиадан гап бошлаган эди, Аҳаднинг кўзлари олайиб кетди ва:

— Бор, чақириб кел, ўша ёлғончиларни, — деб хотинига ўшқирди.

Орадан кўп ўтмай эшикдан кириб келган Хосият хола:

— Айланай, Қобилжон... — деб секретарьга қараб гап бошлади-ю бир нарсанинг қаттиқ зарби блан ҳушидан кетди. Маҳалланинг «эркатойи» — Аҳад қайнаб турган самовар устидаги чойнак блан 60 ёшга кирган кампирнинг бошига урган эди. Бу ҳунук воқиа бир зумда Хосият холанинг катта қизи — медицина ҳамшираси Турсуной Тиллаеванинг қулоғига етди ва у ҳам «эркатой»нинг уйига кириб келди, ҳушидан кетган онани қучоқлаб бағрига босди.

— Тур, кўзимдан йўқолларинг, — бақирди Аҳад ва ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, Турсунойнинг бақичига уч-тўрт марта тепди.

Секретарь ҳам, келган ҳалиги кишилар ҳам бирон нарса деолмадилар. Чунки улар «эркатой»дан қўрқар эдилар...

Хосият хола 1-нчи шаҳар касалхонасида бирнеча кун ётиб, тузалиб чиқди. Кейин бу иш Октябрь район 1-нчи участка халқ судида кўриладиган бўлди.

Суд ҳай'ати (раиси Ўлмасбоев) Хосият хола ва Турсунойларнинг шикоятларига қулоқ солмадилар. Ҳақиқий аҳволни, Хосиятхолани шикастланганини тасдиқловчи врач ҳужжатларига э'тибор бермадилар. Аксинча, ўз қилмишлари учун 6 йил қамоқ муддатини ўтаб чиққан, маҳалла хотин-қизларига нисбатан бой-феодалларча муомила қиладиган, кайфу-сафога муккасидан кетган маҳалла «эркатойи» Аҳад Валиевни оқлаб ва ёқлаб чиқдилар.

Икки томонлама хўрланган Хосиятхола суд ҳукмидан норози бўлиб, ташқарига чиқар экан, унга «эркатой» дуч келиб, ўшқирди:

— Хўш , қўлингдан нима келди... Кун кўраман десанг, оғзингга қулф солиб юр. — деган та'нани эшитди.

«Эркатой»нинг бу дўқларидан қўрққан ва «ҳимоячисиз» қолган Хосият хола ўз уйини ташлаб, кўчиб кетишга мажбур бўлди.

Хотин-қизларга бой феодалларча муносабатда бўладиган Аҳад Валиев каби «эркатойлар» қилмишларига яраша жазоланишлари керак.

У. ЖОНГИТОВ.

Франция Миллат мажлисида

ПАРИЖ, 18 февраль. (ТАСС). Министрлар совети раислиги вазифасига кандидат қилиб кўрсатилган социалист Кристиан Пино бугун Миллат мажлисида ўз программасини айтиб берди ва янги министрларнинг рўйхатини тақдим қилди.

Франция конституциясига яқинда киритилган ўзгартишлар натижасида Миллат мажлиси министрлар советининг программаси блан министрлар совети раисининг ваколатларини ҳамда унинг ҳукумати составини бир вақтда тасдиқлаши лозим. Унинг ваколатларини тасдиқламоқ учун энди абсолют кўпчилик (депутатлар сонининг ярмидан кўпроғи) талаб қилинмайди, балки овозларнинг нисбий кўпчилигигина талаб қилинади.

Кристиан Пино томонидан айтиб берилган программа янги француз ҳукумати Америка сиёсатини қўллаб-қувватловчи аввалги йўлни давом эздирмоқчи эканлигини кўрсатади. Пино, Ғарбий Германияни қуроллантириш тўғрисидаги Париж битимларини узил-кесил ратификация қилдириб олмоқчи эканлигини айтди ва «ўзимиз тузган иттифоқларга ҳамда Атлантик ҳамжиҳатлиққа содиқ бўлиб қолиш» учун шундай қилиш зарур, деди.

Ғарбий Германияни қуроллантириш планлари Францияда чуқур ҳаяжон тўғдираётганлиги ва кенг оомма бу планларга қаршилик кўрсатаётганлиги сабабли Пино бу планларни, «Шарқ блан параллель музокаралар» олиб боришга ҳаракат қиламан, деган қуруқ вайсақилиқ блан ниқоблашга уринди, ваҳоланки, Париж битимлари ратификация қилинганидан кейинч, Германияни қайта бирлаштириш тўғрисидаги музокаралар фойдасиз бўлиб қолиши ҳаммага ма'лум.

Пино ғарбий мамлакатларнинг «қуроляроғ шериқати»ни тузиш тўғрисидаги идеяни яна илгари сурди. Мендес-Франс ҳам Ғарбий Германияни қуроллантиришдан иборат ўз сиёсатини оқламоқ учун шу идеядан фойдаланган эди, аммо «Ғарбий Европа иттифоқи» қатнашчилари бўлган бошқа давлатларнинг, биринчи навбатда Англия блан Ғарбий Германиянинг ҳамжиҳат бўлиб қилган ҳаракатлари натижасида бу идея чиппакка чиқарилган эди.

Пино Ҳинди-Хитойдаги аҳвол тўғрисида гапириб, мен тузаётган ҳукумат у ерда Франциянинг иқтисодий ва маданий та'сирини сақлаб қолишга ҳаракат қилади, деб айтди.

Пинонинг айтишича, Ҳинди-Хитойда урушнинг тамомланганлиги француз халқига енгиллик келтирмайди, чунки Франция қуролланишни давом эздираверади ва янги урушга тайёрланаверади. «Ҳинди-Хитойда урушнинг тамомланганлиги,— деди Пино,—француз армиясини ҳозирги замон стратегиясининг талабларига мувофиқ равишда қайтадан ташкил қилиш учун имконият берилиши лозим...»

Пинонинг айтишича қараганда, ҳарбий тайёргарлиқ кўриш шунинг учун зарур эмишки, Франция «ҳужумга учраб қолган» тақдирда бу нарса керак бўлиб қолур эмиш. У, ҳукумат «мудофаага» маблағлар ажратиш тўғрисида янги қонун проектини парламентга тақдим қилиш ниятидадир, деб айтди.

Шимолий Африка проблемаларини муҳокама қилиш Мендес-Франс ҳукуматининг ағдарилишига расмий сабаб бўлган эди. Пино шу проблемалар тўғрисида гапириб, Тунисда ва Марокашда «ислоҳатлар» ўтказишга ва'да қилди. Ма'лумки, Франциянинг илгариги ҳукуматлари бундай «ислоҳатлар» ўтказишни кўп марталаб ва'да қилган эдилар.

Пинонинг ички сиёсат соҳасидаги программаси француз ўнг социалистларининг раҳбарлари томонидан одатда қайта-қайта такрорланаётган ва ҳаммага ма'лум бўлган иқтисодий ва социал ҳарактердаги демагогик ва'далар беришдан иборат ўй-жой қурилиши, мактаблар қурилиши, экспортни, жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини кенгайтириш ва шу сингари демагогик ва'далар Пинонинг бу соҳадаги программасида ҳам айтилган. Броқ, Пино қуролланиш планлари блан ва ҳарбий блокларда қатнашиш блан сра боғланмайдиган бу программани бажаришни қандай қилиб та'минлаши тўғрисида ҳеч нима демади.

Пино «солиқ проблемаларини ва социал проблемаларни» ҳал қилмоқ учун ўзига «алоҳида ваколатлар» берилишини талаб қилди.

Янги ҳукуматнинг составига келганда, Пино томонидан Миллат мажлисига тақдим қилинган ҳукумат а'золари рўйхати социалистларнинг, МРП («Халқ-республика ҳаракати»), а'золарининг радикал социалистларнинг ва уларга яқин турган ўнг партия—ЮДСР («қаршилик кўрсатиш демократик ва социалистик иттифоқ») а'золарининг коалициясидан иборат. Ғарчи «социал-республикачилар» ҳам ва бошқа ўнг группалар ҳам Пино кандидатурасини ва унинг программасини қўллаб-қувватламаган бўлсаларда, лекин ба'зи «социал-республикачилар» (илгариги де-голльчилар группасининг а'золари) ҳам ҳукумат составига киритилган. Ҳукумат бошлиғи Кристиан Пино айни вақтда ташқи ишлар министри бўлиб ҳам тайинланади.

Рўйхатда кўрсатилган арбоблар уларнинг кандидатураси Миллат мажлиси томонидан тасдиқланганлигидан кейингина министр бўлиб қоладилар.

Пинонинг нутқидан кейин музокаралар бошланди.

Бонн бундестагида

Париж битимларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонун проектини иккинчи марта ўқиш олдидан

БЕРЛИН, 18 февраль. (ТАСС). АДН агентлигининг хабар беришича қараганда, Ғарбий Германия бундестагининг ташқи ишлар комиссияси кеча Саар тўғрисидаги Париж битимини ҳукумат партиялари вакилларининг 16 овози блан ма'қуллаган. Бу битимга депутатлардан 13 киши, шу жумладан Германия социал-демократик партиясининг вакилларидан 9 киши ва «эркин демократик партия»дан 3 депутат ҳамда «умумгерман блоки»дан бир вакил қарши чиққанлар. ХДС—ХСС депутатларигина ва «немис партиясининг» бир депутатигина бу битимни ратификация қилишни ёқлаб овоз берганлар.

Кеча бу комиссия Ғарбий Германияни қуроллантириш тўғрисидаги Париж битимларини Германия социал-демократик партияси депутатларидан 9 киши қарши бўлгани ҳолда ҳукумат коалицияси вакилларидан 20 кишининг ёқлаб овоз бериши натижасида ма'қуллаган эди. АДН агентлигининг Ассоциэйтед Пресс агентлигига таяниб берган хабарида айтишича, бундестагнинг «эркин демократик партия» а'золаридан бўлган бирқанча депутатлари шу партия фракциясининг мажлисида гапириб барча Париж битимларининг ратификация қилинишига қарши чиққанлар.

Совет-Япония музокаралари тўғрисида Хатояманинг айтганлари

ШАНХАЙ, 18 февраль. (ТАСС). «Майници» газетасининг хабар беришига қараганда, Япония бош министри Хатояма кеча Киотода нутқ сўзлаб, Токиодаги совет вакиллигининг бошлиғи А. И. Домницкий 16 февральда Совет ҳукуматининг жавобини менга топширди, деган ва бу тўғрида қуйидагиларни айтган:

Мен музокараларнинг қаерда ўтказилиши масаласи умумий сайловга қадар (я'ни 27 февральга қадар.—Редакция) ҳал қилинади деб ўйлайман. Арата Сугихара (демократик партия ташқи ишлар махсус комиссиясининг раиси.—Редакция) Япония мухтор делегациясининг бошлиғи бўлиб тайинланиш учун энг муносиб киши, деб ҳисоблайман.

ПАРИЖ БИТИМЛАРИГА ҚАРШИ ҚУРАШДА ГЕРМАНИЯ ИШЧИЛАР СИНФИ ҲАРАКАТИ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

БЕРЛИН, 18 февраль. (ТАСС). АДН агентлигининг хабарида айтилишича, Париж битимларига қарши биргаликда қураш олиб бориш масалаларини муҳокама қилишга бағишланиб 16 февральда Германия социал-демократик партияси ва Германия Бирлашган социалистик партияси ташкилотлари а'золарининг Берлин — Миттеда (Берлиннинг демократик секторидаги районда) учрашуви бўлган. Учрашув катнашчилари қуроллаиш сиёсатига қарши, Германияни тинч йўл блан тезроқ қайта бирлаштириш мақсадида Германия масаласи юзасидан музокаралар олиб боришни ёқлаб гапирганлар.

Учрашув қатнашчилари Германия Бирлашган социалистик партиясининг ҳамма а'золарига ва Ғарбий Берлин касаба союзларига қарата Мурожаат қабул қилиб, уларни Париж битимларига қарши биргалашиб ҳаракат қилишга чақирганлар.

Туркия президенти Баяр Покистонга келди

КАРАЧИ, 18 февраль. (ТАСС). Туркия президенти Баяр ва унинг ҳамроҳлари бўлган кишилар 10 кунга расмий визит блан бугун Карачига келдилар.

ЛОНДОН, 18 февраль. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Карачидан берган хабарида айтишича, Туркия-Покистон музокаралари вақтида Ўрта Шарқдаги «мудофаа системаси»ни кенгайтиришга таллуқли муҳим қарорлар, жумладан, араб мамлакатларини ва Эронни шу системага тортиш методлари ҳақида қарорлар қабул қилинади, деган фикрлар бор.

ДЕМОКРАТИК ГЕРМАНИЯ МИЛЛИЙ ФРОНТИ МИЛЛИЙ КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МУРОЖААТИ

БЕРЛИН, 18 февраль. (ТАСС). АДН агентлиги билдиради: Демократик Германия Миллий фронти миллий кенгашининг президиуми Германия Демократик Республикасининг аҳолисига мурожаат қилиб, уни 24 февраль кунини (Бонн бундестагида Париж битимларини иккинчи марта ўқиш шу кунга тайинланган) Париж битимларининг ратификация қилинишига қарши миллий кураш кунига айлантиришга чақирди.

Мурожаатда айтилишича, Ғарбий Германия аҳолисининг катта кўпчилиги Париж битимларининг рад қилинишини талаб этаётганига қарамай, Аденауэр ва унинг тарафдорлари бу битимларни ҳарқандай қилиб бўлса ҳам қабул этдиришга уринмоқдалар.

Немис халқи, — дейилади мурожаатда, — ҳаракат қилиши лозим бўлган пайт келди.

Демократик Германия Миллий фронти миллий кенгашининг президиуми 24 февральда республиканинг барча шаҳар ва қишлоқларида Париж битимларининг ратификация қилинишига қарши норозилик юзасидан оммавий митинг ва йиғилишлар ўтказишга чақиради.

Италия парламентида

РИМ, 18 февраль. (ТАСС). Депутатлар палатасидаги Италия Коммунистик партияси фракциясининг раҳбарлик комитети область кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонун проектини ларҳол муҳокама қилишни талаб этди. Бу қонун проекти 15 февральда сенат томонидан ма'қулланган эди. Комитет томонидан шу масала юзасидан қабул қилинган резолюцияда айтилишича, 1955 йил май ойида республика президенти сайланиши муносабати блан область кенгашлари тузиш жуда ҳам заруридир.

Италия конституциясига кўра, республика президенти депутатлар палатаси блан сенатнинг қўшма мажлисида сайланади ва бу мажлисда область кенгашларининг делегатлари ҳам иштирок қилади. Ҳарбир область кенгаши сайлов ўтказиладиган бу мажлисга ўзининг 3 а'зосини вакил қилиб юборади.

«Республика президентини мамлакатдаги ҳамма областьларнинг вакилларини иштирок қилдирмасдан сайлаш,—деб ёзади «Унита» газетаси,—бу сайловнинг конституцияга мувофиқлиги ва қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғдирмаслиги мумкин эмас».

Францияда ҳукумат кризиси

ПАРИЖ, 19 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги биллиради: бугун кечаси Франция Миллат мажлиси министрлар совети раислиги лавозимига кўрсатилган кандидат, социалист Кристиан Пинонинг ваколатларини ва ҳукумат программасини тасдиқлашга қарши овоз берди. Шундай қилиб, Францияда ҳукумат кризиси давом этмоқда.

Неру Бомбайга келди

ДЕҲЛИ, 18 февраль. (ТАСС). Пресс Траст оф Индиа агентлигининг хабар беришича, Ҳиндистон бош министри Жавахарлал Неру 17 февральда самолётда Қоҳирадан Бомбайга учиб келган.

—0—

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ва Тошкентда ҳаво ўзгариб турса ҳам, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 11—13 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

Мустамлакачилик режимига қарши халқлар кураши

21 февральда прогрессив инсоният мустамлакачилик режимига қарши халқаро кураш кунини нишонлайди. Бу халқаро кураш куни бирқанча демократик ташкилотларнинг ташаббуси блан 1948 йилдан бери ўтказилиб келмоқда. Прогрессив жамоатчилик мустамлакачилик режимига қарши кураш кунини ҳар йил ўтказиш блан мустамлака ва қарам мамлакатлардаги халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатидаги ютуқларини қайд қилади. Бу ютуқлар натижасида бу мамлакатларда катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Бу ўзгаришлар Осиё мамлакатларида айниқса каттадир.

Бугунги Осиё урушгача бўлган Осиёга ўхшамайди. Осиёда ҳақиқатан жуда катта ўзгаришлар юз берди.

Осиё аҳолисининг сони тахминан 1 миллиард 400 миллион кишига етади. Эндиликда 600 миллиондан кўпроқ, киши, я'ни Осиё қит'асидаги аҳолининг салкам ярмиси капитализмдан бутунлай ажралиб чиқди ва фидокорона революцион кураш натижасида социализм қуриш йўлига кирди. 1946 йилда Вьетнам Демократик Республикаси, 1948 йилда Корея Халқ-Демократик Республикаси ва 1949 йилда Хитой Халқ Республикаси барпо қилинди. В. М. Молотов СССР Олий Советининг кейинги сессиясида қилган докладида айтиб ўтганидек, бу воқиалар Осиёда урушдан кейинги даврда жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган революцион ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади.

Хитой Халқ Республикаси барпо қилинганлиги айниқса катта аҳамиятга эга. Яқиндагина Хитой империалистик давлатларга қарам бўлган ва ўз давлат территориясининг бирлигини та'минлаш имкониятига эга бўлмаган заиф, ярим мустамлака мамлакат эди. Ҳозирги кунда эса Хитой бирбутун қудратли давлат бўлиб бирлашди. У четэл давлатларига қарамлик бўйинтуруғини ўз устидан ағдариб ташлаб, ўзининг миллий экономикасини ва маданиятини юксалтириш йўлига кирди. Халқаро майдонда Хитой Халқ Республикасининг обрўси кундан-кунга ўсмоқда. Халқ Хитойи Осиёда тинчлик ва прогресснинг танилган байроқдори бўлиб қолди.

Ҳиндистон, Индонезия ва Бирма сингари давлатларнинг мустамлакачилик режимидан озод бўлганлиги Осиёдаги янги вазиятни кўрсатучи муҳим фактордир. Бу давлатлар мустақил яшаш йўлига чиқиб олиб, тинчликсевар ташқи сиёсатни ўтказмоқдалар. Ҳиндистон ва Бирма Хитой Халқ Республикаси блан бирликда давлатлар ўртасида тинч ҳамкорлик қилишнинг беш принципини э'лон қилдилар. Индонезия эса шу принципларни қўллаб-қувватлади. Империалистларнинг Ҳиндистонни халқ Хитойига ва Осиёдаги бошқа тинчликсевар давлатларга қарама-қарши қилиб қўйиш йўлидаги макрли қора ниятлари барбод бўлди. Осиё мустамлака қуллигининг зулмати ҳукмрон бўлган оламдан эркинлик ва халқлар ўртасидаги тинчлик зонасига айланмоқда.

Шу йил апрель ойида Бандунгда (Индонезия) Осиё ва Африка мамлакатларининг конференцияси бўлади. Бу конференцияда Африка ва Осиёнинг 30 га яқин мамлакати қатнашади. Тарихда бу хилдаги конференция шу вақтгача бўлмаган эди. Бундай конференцияни чақиришнинг ўзи кейинги вақтларда Осиёда юз берган ижобий ўзгаришларни ва эндиликда Осиё давлатларининг халқаро сиёсатда ўйнаётган янги ролини яққол кўрсатучи далилдир.

Мустамлака дун'ёсининг бошқа районларида ҳам миллий-озодлик ҳаракати муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари, айниқса нефть запаслари кўп бўлган давлатлар империалистик давлатларга қарам бўлиб, оғир аҳволда қолганликларига қарамай, шу давлатларда ҳам миллий-озодлик ҳаракати тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Африка қит'асида мустамлакачи давлатларнинг позициялари ҳали кучли. Мустамлакачилар бу қит'ада ҳозирча бемалол ҳаракат қилмоқдалар ва ўз миллий озодлиги учун курашишга қўзғолаётган халқларга шафқатсизлик блан жазо бермоқдалар. Броқ, шу нарса шубҳасиздирки, бу қит'ада ҳам мустамлакачилик режимининг кризиси кучайиб бормоқда. Бунга Тунисда, Марокашда, Жазойирда миллий-озодлик ҳаракатининг ғоят кенгайиб бораётганлиги ёрқин далилдир.

АҚШ монополиялари эксплуатация қилаётган Жанубий Америка халқларининг миллий мустақиллиқ ва прогресс учун кураши жуда оғир шароитда ривожланмоқда. Шу халқлардан бирортаси четэл монополияларининг зулмини сусайтиришга салгина уринса ҳам, бу уринишни Шимолий Америка империалистлари жуда шафқатсизлик блан бостирмоқдалар. Шу муносабат блан Гватемалада ўттан йили бўлган воқиаларни эслатиб ўтиш кифоядир. Броқ, Америка монополияларининг «темир муштуми» у қадар қудратли эмас. Ғарчи Америка қит'асида урушдан кейинги даврда юз берган ўзгаришлар, В. М. Молотовнинг сўзи блан айтганда, «ҳали упчалик сезиларли» бўлмаса ҳам, лекин ҳар ҳолда бу қит'адаги халқларнинг орасида зимдан ўсиб бораётган прогрессив ҳаракатнинг аҳамияти кундан-кунга кучаймоқда.

Урушдан кейинги даврда воқиаларнинг ривожланиши шуни кўрсатадики, империализм ўз миллий-озодлик учун қаттиқ туриб курашаётган халқ оммасининг сиқувига бардош бераолмай, чекинишга мажбур бўлди. Лекин империалистик мамлакатлардаги ҳукмрон синфлар рўй берган аҳвол блан ҳисоблашишни истамаётирлар. Биринчи галда Қўшма Штатларнинг миллионерлари ва миллиардерлари, шунингдек, Англиянинг ҳукмрон доиралари шундай қилмоқдалар. Улар империалистларнинг ҳукмронлигидан озод бўлган халқлар устидан яна ҳукмронлик қилишга интилмоқдалар, мана шу интилиш эса ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатлари томонидан Осиёда, шунингдек жаҳоннинг бошқа районларида ҳам ўтказилаётган агрессив ташқи сиёсатнинг негизи бўлмоқда.

Бу хилдаги сиёсат халқаро кескинликни кучайтиришгагина сабаб бўлмоқда. Фактлар буни яққол кўрсатиб турипти.

Ма'лумки, Жанва кенгаши натижасида Вьетнамда тинчлик тикланди. Лекин шу блан бир вақтда бу кенгаш Корея масаласини ҳал қилишни илгари силжитмади. Бунинг учун асосан Қўшма Штатлар жавобгардир. Чунки Америка Қўшма Штатлари Корея проблемасини демократик асосда тинч йўл блан ҳал қилишга зўр бериб қаршилиқ кўрсатмоқда. АҚШнинг ҳукмрон доиралари Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш ғўғрисида битимга келишга ҳам халқият беришга уринган эдилар. Шунга қарамай, Жанва кенгашида Совет Иттифоқининг, Хитой Халқ Республикасининг ва Вьетнам Демократик Республикасининг тинчлик сиёсати устун бўлиб чиқди.

1954 йил сентябрь ойида Даллес Манилада (Филиппин) ўз конференциясини чақириб, бунда «Шарқи-Жанубий Осиёни мудофаа қилиш» деб аталган шартнома (СЕАТО) имзоланди. Бу блок Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракатини бўғишга интилиши блан тиғи Хитой Халқ Республикасига қарши қаратилган иттифоқидир.

Қўшма Штатлар СЕАТОни тузганларидан кейин шу блокнинг қатнашчилари бўлган мамлакатлардан ўз зиммаларига олган ҳарбий мажбуриятларни тезроқ бажаришни талаб қилмоқдалар. 1955 йил 23 февральда Бангкокда (Таиланд) СЕАТО пакти қатнашчиларининг кенгаши очилади. Кенгаш Вашингтоннинг ташаббуси ва кучли таз'йиқи остида чақирилаётир. Четэл матбуотининг хабарларидан ма'лум бўлишича, бу кенгашнинг асосий вазифаси Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашмоқ учун қуролли кучлар вужудга келтириш тўғрисида Даллес томонидан қилинган таклифларни муҳокама қилишдир. Қўшма Штатларнинг 7-нчи флоти ва унинг ҳарбий-ҳаво кучлари мана шу қуролли кучларнинг негизи бўлади. Бу қуролли кучларнинг пиёда қўшинларига келганда, Американинг планларига кўра, АҚШнинг Осиё халқларига қарши осиёлиларнинг ўзини курашгиришга тўғрисидаги шиорини амалга ошириши лозим бўлган блокнинг осиёли қатнашчилари пиёда қўшинлар етказиб беришлари лозим.

Америка империалистларининг эркинлик ва миллий мустақиллик йўлига тушиб олган Осиё халқларига ваҳшиёна нафрати Қўшма Штатларнинг Тайвань масаласидаги шармандали ҳаракатларида айниқса яққол кўринмоқда. Бироз ақли бўлган ҳарбир кишига ҳам ма'лумки, Тайвань ва унинг атрофидаги ороллар азалдан бери Хитойнинг территорияси бўлиб келган. Қўшма Штатларнинг Англия ёки Ҳиндистон территорияларининг бирор қисмига ҳақи бўлмагани каби бу ороллларга ҳам ҳеч-қандай ҳақи йўқ. Шундай бўлса ҳам Америка қуролли кучлари сотқин Чан Кай-ши тўдасининг ёрдами блан Тайвань-ни ва Хитойнинг бошқа ороллларини босиб олдилар ва шу ороллларга ўзлари хоҳлаганларича номақўлчилик қилмоқдалар. Америка милитаристларга Тайвань ва Хитойнинг бошқа ороллари шунинг учун керакки, улар мана шу ороллларда ҳарбий базаларга ташкил қилиб ва шу базаларга таяниб, Осиё қит'аси устидан ўзларининг ҳукмронликларини ўрнатиш сиёсатини амалга оширмоқчилар.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, эркинлик ва мустақил яшаш лаззатини тотиган Осиё халқлари Америка империализмининг босқинчилик планларининг амалга оширилишига йўл қўймайдилар. Улар тугатилган мустамлакачилик режимларини тиклашга қаратилган уруш йўлига гов солмоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар. Осиё мамлакатларининг кенг жамоатчилик доиралари Осиё ва Африкадаги 30 мамлакатнинг Бандунгда бўладиган конференцияси барча тинчликсевар кучларни ва мустамлакачиликка қарши бўлган кучларни уюштириш тадбирларини кўриши учун кенг миқ'ёсда кампания олиб бормоқдалар. Чунончи, Ҳиндистонда чиқадиган «Ҳинду» номли ўнг газета Бандунгда бўладиган конференция қатнашчиларини «Жанва кенгашида вужудга келтирилган яхши ният вазиятини очиқдан-очиқ йўқ қилаётган СЕАТО сингари битимларга нисбатан муайян йўл» тутишга чақирмоқда.

Америка сиёсатининг Осиёда барбод бўлаётганлиги мустамлакачилар аҳволининг умуман ёмонлашиб қолганлигини кўрсатади. Барча мамлакатларда мазлум халқларнинг кураши кучайиб бормоқда. Бу халқлар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқни амалга оширмоқ учун ўз кучларини сафарбар қилмоқдалар.

Ю. БОЧКАРЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/II да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Оғриқ тишлар**, 22/II да **Қутлуғ қон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА — 21/II да **Концерт**. Ўзбекистон давлат филармониясининг хор капелласи ва солистлари, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Тургунбоева**, солист **Зайнаб Полвонова** қатнашадилар. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Жаҳон чемпиони.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун
«АЗАМАТ ШЕРЛАР»
АТТРАКЦИОНИНИНГ ДАВОМИ
Ўргатучилар — артист **Тамара Буслаева** ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Александр Буслаев.**
3 бўлимда
катта цирк тамошалари.
Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади.

Лоҳутий кўчаси, 17-нчи уй 8-нчи квартирада туручи **Геннадий Вениаминович Зайцевнинг** Гоголь кўчаси, 37-нчи уйда туручи Александра Антоновна Королецдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 00661. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А. — 1375.